Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 16 октябрь, шанба № 190—191 (21.542). Сотувда эркин нархда.

БУ АЗИЗ ВАТАН—БАРЧАМИЗНИКИ

УНИНГ БАХТ-САОДАТИ, ЁРУҒ ИСТИҚБОЛИ, ФАРОВОН КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯШАШ, КУРАШИШ, КЕРАК БЎЛСА ЖОННИ ФИДО ҚИЛИШ ШУ МУҚАДДАС ЗАМИНДА ЯШАЁТГАН ҲАР БИР ИНСОН УЧУН БАХТДИР.

Сафоратда қабул пайти.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича давлат вазири Даглас Хоггни қабул қилди.

Республика раҳбари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ўзаро муносабатларни янада юксак поғонага кўтариш имконияти мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

— Бизни кўпроқ Буюк Британия билан банк, телекоммуникация, фан, таълим, солиқ соҳаларида ўрнатиладиган ҳамкорлик муносабатлари қизиқтиради, — деди Президент. — Бугун имзоланган ҳужжатлар икки халқ манфаатларига хизмат қилади ва дўстона алоқаларимизни мустаҳкамлайди. Ўзбекистоннинг ер ости ва устки бойликлари ҳамкорлик муносабатларимизга асос бўлади. Янги топилган нефть конлари, қазилма бойликларимиз, пахта, мевасабзавот маҳсулотларимиз кўплаб ҳорижий давлатларни қизиқтирмоқда. Мен бу давлатлар қаторида Буюк Британия компанияларини, концерн ва фирмаларини кўришни хоҳлардим.

Жаноб Даглас Хогг қизиқарли суҳбат учун миннатдорлик билдирар экан, Президент билан ҳамфикр эканлигини, таклиф ва истакларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан кейинги мавқеи, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, жуда қисқа муддатда топган обрў-эътибори бизни ҳамкорликка чорламоқда. Менинг бу ерга ташрифим бунинг исботидир, деди у.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари У. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎзА).

15 октябрь куни Буюк Британиянинг Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича давлат вазири Даглас Хогг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинди.

Бош вазирнинг ўринбосари У. Султонов Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари ва унинг истиқболлари хусусида тўхталди.

— Биз мамлакатингиз раҳбари Ислом Каримовнинг Буюк Британияга сафарини орзиқиб кутяпмиз, — деди жаноб Даглас Хогг. — Чунки бу амалий ташриф дўстона алоқаларимиз ривожида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шундан сўнг иккиёқлама солиқ олмаслик, маданият, фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик, ўзаро англашмалар ҳақида битимлар имзоланди.

* * *

Шу куни Даглас Хогг Республика Олий Кенгашида ва Ташқи ишлар вазирлигида ҳам қабул қилинди. (ЎзА).

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

ПАХТА—ХАЛҚИМИЗ БОЙЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АЪЗОЛАРИГА, РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА

МУРОЖААТ

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимиз бепоён далаларида деҳқонларимиз ниҳоятда оғир шароитларда етиштирган «оқ олтин»ни териб олиш авжида. Пахтакорларимиз юксак ғайрат-шижоат, ватанпарварлик намуналарини намойиш этмоқдалар. Механизаторлар ва теримчиларнинг фидойилиги туфайли хирмонлар кундан-кунга кўкка бўй чўзмоқда.

Пешқадам Хоразм ва Бухоро вилоятлари деҳқонларининг самарали ишлари, Олот, Қамаши туманлари меҳнаткашларининг илк ғалабалари олкишларга арзийди. Мажбурият ҳисобига пахта топшираётган юзлаб бригадалар, ўнлаб жамоалар борки, уларга «Ҳимматингизга балли, азиз ватандошлар!» дегимиз келади.

Азиз дўстлар!

Табиат инжиқликлари сабабли бу йил пахта йиғим-теримига бир мунча кечикиб киришилди. Устига-устак, куз-кузлигини қилиб, баъзан ҳаво совиб, ёғингарчилик бўлиб турибди. Ана шундай ташвишли кунларда дала меҳнатчилари ҳолидан хабар олмай, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатмай, маънавий рағбат улашмай, энг муҳими, «оқ олтин» ижодкорларига бевосита кўмаклашмай бўладими? Шундай экан, бугун ҳар биримиз ўрнимизни далада деб билмоғимиз, пахтакорлар билан ҳамнафасликни ўзимизнинг Ватан олдидаги бурчимиз, деб ҳисобламоғимиз керак. Партиянинг ҳар бир аъзоси учун пахтазорларда давом этаётган умумхалқ ҳашарида фаол қатнашиш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Қадрдонлар!

Пахта — халқимизнинг миллий ифтихори, барчамизнинг бойлигимиз, ташқи иқтисодий алоқаларимизнинг салмоқли омилидир. Етиштирилган мўл ҳосилни қиш-қировли кунларга қолдирмай йиғиб-териб олишдек муҳим ишга баҳоли қудрат ёрдам берсак, мустақиллигимизнинг иқтисодий пойдеворини бунёд этишга, Ислом Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбариятининг халқчил ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишга ҳисса қўшган, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини янада яқинлаштирган бўламиз. Буни асло унутмаслигимиз керак.

ҲАММА — УМУМХАЛҚ ҲАШАРИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Сиёсий ижроқўми.

КАМАРБАСТА ФИДОЙИЛАР КЕРАК

Оддий ишчи сифатида менда Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи чуқур таассурот қолдирди. Биргина Сирдарё мисолида юртбошимиз бошқа вилоятларга хос камчилик, эски касалликлар хусусида рўйрост гапирди. У халққа дилидагиларни очиқдан-очиқ айтди. Айниқса, кадрлар танлаш масаласига алоҳида тўхталди.

«— Ҳозир бир куни — бир ойга, бир ойи — бир йилга тенг тарихий даврни бошдан кечиряпмиз, — деди Президентимиз Ислом Каримов сессияда сўзлаган нутқида. — Кечаги ўлчовлар бугунга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам агар мендан Президент, давлатимиз раҳбари сифатида юрагингдаги энг катта, эзгу ниятинг нима деб сўралса — олло таолога минг шукроналар айтиб, эл-юртимизга тинчлик-осойишталик сўрардим, халқимизнинг ризқини, насибасини сўрардим, ҳар бир хонадонимизнинг тотувлигини, фарзандларимизнинг бахтини илтижо қилардим».

Дарҳақиқат ана шу мақсад учун Президентимиз таъкидлаганидек, юртимизга инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар, фаоллар керак.

Ўз уйимиз, ўз иш жойимизда тартиб-интизом ўрнатишимиз, ишчанлик вазиятини қарор топтиришимиз керак. Юртбошимизнинг жон куйдириши ҳам ана шу мақсадга қаратилган. Цехимиз жамоаси Президентнинг сессияда айтган фикрларини тўла-тўкис қувватлайди. Бунга жавобан фидокорона меҳнат қилишга аҳд қилдик.

Тоҳир МУРОДОВ,
Наманганги тажриба заводи токари, халқ демократик партияси аъзоси.

СУД-ИНТИЗОМ МАКТАБИ

Республикамиз Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятига холис баҳо берди. Чиндан ҳам айрим мансабдорлар топширилган вазифага масъулиятни чуқур ҳис этмаслик дардига дучор бўлишган. Қонунларга бўйсунмаслик ёки уни айланиб ўтишга ўрганиб қолган кимсалар фаолиятига чек қўйилмоқда.

Қуйи суд органлари кўрган ишлар юзасидан вилоят судига кассация ва назорат тартибида кўришлик учун тушган ҳар бир ариза қунт билан ўрганиб чиқилмоқда ва шу ишлар орқали судьялар фаолияти чуқур таҳлил этилмоқда. Ўз вазифасини уддалай олмаётган ёки ишончни суиистеъмол қилаётган ходимлардан воз кечиш масаласи қатъий қўйилган. Жумладан, Қуйичирчиқ, Оққўрғон ва Оҳангарон туманлари судларида ўз вазифасига нолойиқ деб топилган бир неча судья ишдан бўшатилди. Прокуратура ва ички ишлар органларининг қонунни суиистеъмол қилган айрим ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Суд — давлатнинг муҳим муассасаларидан бири, интизомга ўргатиш қуроли, ҳуқуқий тарбия мактабидир. Жойларда қонунларни тушунмаслик ёки уни билмаслик оқибатида ҳунук воқеалар рўй бермоқда. Шу боис қонунлар устунлигини таъминлаш, жойларга чиқиб ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу соҳада вилоят суди Президентимизнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқиб, ўзига бўйсунувчи шаҳар ва туман судлари ҳамда судьялари фаолиятини кучайтириш чораларини кўрмоқда.

Учқун ҚУРБОНОВ,
Тошкент вилояти суди раиси.

РАСМИЙ ТАШРИФ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ

Акбар Ҳошимий РАФСАНЖОНИЙ

ЖАНОБИ ОЛИЛАРИНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Ҳужжат ул-ислом вал муслимин Акбар Ҳошимий Рафсанжоний 1934 йилда Рафсанжон шаҳрида таваллуд топиб, беш ёшидан таҳсил ола бошлади. Ўн тўрт ёшида диний илмлар бўйича сабоқ олиш учун Қум шаҳрига келади.

1967 йили шоҳ тузуми даврида ўз сафдошлари билан биргаликда «мактаби ташйиу» («шиалик мактаби») нашр органини таъсис этади.

Имом Хумайний бошчилигида собиқ шоҳ тузуми истибдодига қарши курашгани учун бир неча бор қамоққа ташланди.

1979 йилда, ислом инқилоби ғалабасидан сўнг қамоқдан озод этилиб, янги ташкил топган инқилобий кенгашга аъзо этиб тайинланади ва мамлакат ишларини идора қилишда фаол қатнашади.

1980 йилда инқилоб раҳбарларининг баъзилари билан биргаликда Эрон Ислом Жумҳурияти партиясини таъсис этади ва айни вақтда ички ишлар вазирлигига бошчиликни ўз зиммасига олади. Шу йилнинг ўзида «Ислом маслаҳат кенгаши»га бўлиб ўтган сайловда Теҳрондан халқ ноиблигига, кейинроқ эса янги тузилган парламентга раис этиб сайланади.

1981 йил марҳум имом Хумайнийнинг «олий мудофаа кенгаши»даги вакили этиб тайинланади ва кейинчалик шу кенгашнинг раиси қилиб сайланади.

1983 йили янги конституцияни ишлаб чиқиш бўйича экспертлар мажлисига Теҳрон аҳолисининг вакили, сўнгра мазкур мажлис раисининг биринчи ноиби этиб сайланади.

1984 йили иккинчи марта парламент раиси этиб сайланади ва марҳум имом Хумайний фармонига кўра «маданий инқилоб олий кенгаши»га аъзо бўлиб киради.

1988 йили ҳарбий кучлар бош қўмондонининг ўринбосари ва қуролли кучларнинг бевосита раҳбари лавозимига тайинланади.

1989 йилнинг 28 июль куни Эрон Ислом Республикасининг Президенти этиб сайланади.

1993 йил июнь ойида президентлик сайловларида ғолиб чиқиб, иккинчи бор Президентликка сайланди.

Ҳужжат ул-ислом вал муслимин Акбар Ҳошимий Рафсанжоний диний, тарихий ва ижтимоий соҳаларда ёзилган кўпгина китоблар муаллифидир.

Оилали, 3 ўғил ва 2 қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФРАНЦИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Франция Президенти Франсуа Миттераннинг таклифига биноан шу йил 27—30 октябрь кунлари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Францияга расмий давлат ташрифи бўлиб ўтади.

• Халқ билан ҳамнафас

ЮРТ МАНФААТИ—МАСЪУЛИЯТ МАНБАИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расуловнинг Сурхондарёга ташрифи иқтисодий ислоҳот янгиликлари билан танишишдан бошланди. Вилоятга чет эл сармояси киритилмоқда. Қурилаётган 30 дан зиёд қўшма корхоналарнинг кўпчилигида маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Халқ ҳунармандчилигини саноатлашган асосларда тиклаш йўлини танлаган ишбилармонлар гилам, атлас тўқиш, чармни ишлаш ва бошқа юмушларни кенг йўлга қўйдилар. Бу тадбирлар жойларда ишчи ўрнини кўпайтиришга, ички истеъмол бозорини тўлдиришга имкониятлар яратмоқда.

Биринчи котиб Жарқўрғон ва Қизириқ туманлари пахтакорлари ҳузурида бўлди. Далада ишлаётганларнинг меҳнат шароитлари билан қизиқди. Ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олишга бош қўшиш партия ташкилотларининг муҳим ишларидан бири эканлигини таъкидлади. Бошланғич партия ташкилотлари билан бўлган мулоқотларда ички партиявий ишларнинг қандай ташкил этилаётганлигига алоҳида эътибор берилди. Шу мавзуда атрофлича фикр алмашилди.

Вилоят партия фаолларининг Қизириқ туман кенгашида бўлиб ўтган йиғилишида партия ташкилотининг Президентимиз республика Олий Кенгаши XIII сессиясида, Сирдарё вилояти кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида сўзлаган нутқларида ҳамда «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» китобида баён қилинган хулосалардан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

Вилоят партия ташкилоти сафларида кейинги пайтларда аҳиллик, якдиллик, ишчанлик сифатлари кўзга ташланиб қолгани кўнгилли ҳолдир. Лекин бу имкониятлардан давр талабларига мос равишда фойдаланиляпти, деган гап эмас. Бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб, одамларнинг ташвиш ва қувончларига камарбаста бўлиб ишламоқ керак.

Сафар давомида М. Расуловга Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Эрматов ҳамроҳлик қилди.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБУНА—94

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасиға ОБУНА

обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи

64583

(нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш | баҳоси | сўм | обуна сони | баҳоси | сўм

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

• *«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси— муҳокамада*

АҚЛНИ ЧАРХЛАШ МАВРИДИ

ЕКИ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА ЛОЙИҲАГА БАҒИШЛАБ БИРИНЧИ МАРТА ЎТКАЗИЛГАН «АҚЛИЙ ҲУЖУМ» МАШҒУЛОТИ ХУСУСИДА

Янгича, адолатли жамият қуришга қурбимиз етадими? Ярим йўлда ҳорнб-чарчаб қолмаймизми? Масалани ана шундай кескин ва мардона қўйиш муддати келди.

И. А. КАРИМОВ.

Юртбошимиз бир неча бор таъкидлаб ўтганидек, моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар — ўз йўлига, уларни муваффақиятли ҳал этиш юзасидан қадамма-қадам ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо биз учун бундан ҳам муҳимроғи маънавий ислоҳотларни амалга оширишдир. Халқимиз буни қанчалик чуқур тушунса ва бу борада юртбошимизга яқиндан туриб ёрдам берса, ижобий натижаларга эришишимиз муқаррар.

Мамлакатимизнинг давлат қурилиши ҳозирги босқичи, ўтмишдагидан кескин фарқ қилади. Ҳуқуқий давлат барпо этишда сайлов тизимини ислоҳ қилиш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Ана шундай энг муҳим тадбирлардан бири — Ўзбекистонда сайлов тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳасидир. Нафақат мутахассислар, балки кенг халқ оммаси унинг моҳиятини чуқур тушуниб етиши муҳимлиги ўз-ўзидан аён.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг Парламент иши ва партияларо алоқалар бўлими мудири Комил Абдуллаевич Жуманиёзов билан суҳбатлашганимизда у шуларни таъкидлади:

— Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг VIII пленумида Марказий Кенгаш биринчи котиби Маҳмуджон Мўминович Расулов Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхталди. Марказий Кенгаш котиби Акмал Саидовнинг парламентга сайловларнинг чет эл тажрибасига бағишланган рисоласи ҳам бизнинг янгича шароитдаги олиб борадиган ишларимизда муайян йўл-йўриқлар беради.

Бизнинг парламент иши ва партияларо алоқалар бўлимимиз «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишга бағишланган «Ақлий ҳужум» машғулоти ва амалий тадбир ўтказди. Бунда ХДП шаҳар ва район кенгашларининг биринчи котиблари қатнашдилар. Биз нега шундай машғулот ўтказишга қарор қилдик? Боиси шундаки, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этилаяпти, унинг пухта қонуний пойдеворини шакллантириш ва мустаҳкамлаш борасида ишлар олиб борилмоқда. Қонунларни ўрганиш ва улар юзасидан жойлардаги фаолларимизнинг ақлий фаоллигини ривожлантириш, қонунларнинг амалда тўлақонли ишлаши учун, уларни ҳаётга яқинлаштириш ҳамда изчил тадбик этилишида давлат ва халқ манфаатларини ҳисобга олиш механизмини вужудга келтириш зарурлигини тушунамиз. Бу борада халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарини, унинг тарихий ва ҳаётий хусусиятларини ҳисобга олиш, қолаверса, бу борада халқаро тажрибалардан ҳам самарали фойдаланиш учун биринчи марта мана шу тадбирни ўтказдик.

— Чет элнинг қандай тажрибаларидан андоза олинди! деган саволимизга у шундай деб жавоб берди:

— Бу тадбирни ўтказишда Франция, Англия, Америка Қўшма Штатлари, Германиянинг тараққий этган, ижодий изланишига қаратилган «референдум», «муаммоли мусоҳаба», «рейтинг», «ижтимоий мониторинг», «экспресс-моделлаштириш», «амалий ғояларнинг рақобати» услубларидан вужудга келган «ақлий ҳужум» усулини танладикки, бу четдан олинган тайёр андоза эмас, балки уларга ижодий ёндошилган янги машғулотдир.

Ҳамсуҳбатимизнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, ушбу тадбирга кирган ана шу усуллар чет элларда кадрларни танлашда, қонунларни ўрганишда, иштирокчиларнинг ички салоҳиятини намоён қилишда, юзага келтиришда жуда қўл келади. Айни пайтда машғулот чоғида биргаликдаги жамоа фикрини яратиш ва уни бошқалар олдида нечоғлик ҳимоя қила билиш, энг муҳими, бошқаларнинг фикрига холис баҳо бериб, мана шу ўртага ташланган ғояларни атрофлича муҳокама қилиш, шу ғояларнинг рақобатлилигиҳам таъминланади. Бошқача айтганда, чет элларда ҳар бир ғоя ўзининг муайян қийматига эгалиги яхши маълум. Афсуски, бизнинг яқин ўтмишимизда ўзгаларнинг ғояларига менсимасдан қараш, одамларга янги ғоялар бериш иши пайсалга солиб келингани ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто ғоялар берилган тақдирда ҳам аксарият ҳолларда рағбатлантирилмаган.

«Ақлий ҳужум» машғулотининг яна бир фазилати шундаки, у ҳар бир тоифага алоҳида-алоҳида тарзда ўтказилади. Парламент иши ва партияларо алоқалар бўлими танлаган мазкур машғулот ХДП шаҳар ва район кенгашлари биринчи котиблари билан ўтказилганлигининг битта энг муҳим жиҳати бор. У ҳам бўлса, биринчи котиблар ўзларининг вазифасига кўра жойларда халқ оммаси билан яқин алоқада бўладилар. Демак, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашини халқ билан мустаҳкам боғлаб турадиган халқа ҳам туман ва шаҳар ташкилотларидир. Мана шундан келиб чиқиб, машғулот пайтида ҳар бир иштирокчи берилган саволларни ўзича баҳоладики, энг муҳими ҳам шудир. Бундай тадбир шакллари Тошкент шаҳар ва Наманган шаҳар партия кенгашлари билан биргаликда ўтказилиб, ёш кадрларни танлаш, уларнинг билими, тажрибасини синовдан ўтказиш Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш ва жойлардаги ҳокимлик бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича уларнинг фикрлари ўрганилган эди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик фикри мавзусига бағишланган «Ақлий ҳужум» машғулоти ва амалий тадбир нималарни кўрсатди!

Аввало шуни таъкидлаш керакки, машғулот ва тадбирни бошидан охиригача парламент иши ва партияларо алоқалар бўлими мудири Комил Жуманиёзовнинг ўзи олиб борди. Унга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди, шаҳар ва туман кенгашларининг биринчи котибларига машғулот ва тадбир қоидалари ва вазифалари ипидан-игнасигача чуқур ўргатилди. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун иштирокчиларнинг эътибор беришлари лозим бўлган айрим саволларни келтириб ўтамиз:

— Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси давлат-миллий манфаатларига тўла жавоб берадими!

— Қонун лойиҳаси мамлакатда ижтимоий ва сиёсий осойишталикни, фуқаролар ўртасида барқарорликни, давлатнинг ислоҳотчилик ролини мустаҳкамлашга хизмат қиладими!

— Қонун лойиҳаси Ўзбекистон ХДП эгаллаб турган ижтимоий-сиёсий позициясига жавоб берадими!

— Қонун лойиҳаси партиямизга сайлов жараёнида бошқа иштирокчилар билан тенг ҳуқуқлиликни кафолатлайдими!

Ана шу саволлар берилганидан сўнг уларнинг ҳар бири бўйича бошловчи референдум ўтказди. Ҳар бир иштирокчи ўз рейтингини ҳисоблаб берди. «Ақлий ҳужум» пайтида иштирокчилар қуйидаги микрогуруҳларга бўлиндилар.

«Марказий сайлов комиссияси» микрогуруҳи.

«Халқ депутатлари кенгаши» микрогуруҳи.

«Ўзбекистон ХДП» микрогуруҳи.

«Мухолифат партиялар» микрогуруҳи.

Шундай қилиб, иштирокчилар тўплаган балларига қараб, ўз микрогуруҳлари ўринларига жойлашдилар.

Тасаввур қилинг, сизнинг олдингизда социологик институтнинг вакили турибди. У Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш юзасидан мана шу социологик тадқиқот натижаларини давлат органлари, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларига етказади... Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу жуда масъулиятли вазифадир. «Амалий тадбир» давомида топшириқларни бажаришда иштирокчилар Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси матнидан келиб чиқишга ҳаракат қилганликларини алоҳида қайд этмоқ лозим. Чунончи, Қонун лойиҳасининг 20, 21, 22, 23-бандларида белгиланган меъёрлар асосида иштирокчилар сайлов кампаниясининг жадвалини ишлаб чиқдилар, белгиланган муддатларнинг мантиққа қанчалик тўғри келиш-келмаслигини аниқладилар. Олий Мажлиснинг истиқболдаги фаолиятидан келиб чиқиб, номзодлар тақсимлаш моделини ишлаб чиқишда яна қайси омилларни ҳисобга олиш мумкинлиги ҳақида иштирокчилар фикри ўрганилди.

Бошловчи ҳар бир микрогуруҳга экспромт (кутилмаган) саволлар беришни ва ана шу саволларнинг ўткирлигига қараб баҳолар сони ошишини таъкидлаганда иштирокчилар ўртасида катта жонланиш пайдо бўлди .Масалан, «Халқ депутатлари кенгаши»га шундай савол берилди:

— «Ҳамма сайлов округлари бўйича номзодлар кўрсатасизларми! Агар йўқ бўлса, нималарга асосан аниқ сайлов округлари бўйича номзодларни тавсия этмайсизлар!

«Ўзбекистон ХДП микрогуруҳи»га шундай савол берилди:

— Ҳамма сайлов округлари бўйича ўз номзодларингизни тавсия этасизларми! Агар йўқ бўлса, нималарга асосан аниқ сайлов округлари бўйича номзодларингизни кўрсатмайсизлар!

Шундан сўнг «Ўзаро суҳбат» топшириғи эълон қилинди. Ҳар бир микрогуруҳ иккинчисига Қонун лойиҳасидан келиб чиқиб унинг ҳуқуқ ва вазифаси доирасида саволлар берди, иккинчи томон унга жавоб қайтарди. Шуниси характерлики, микрогуруҳлар бир-бирларини холис синашди, бир-бирларига баҳоларни ўзлари қўйишди.

Ҳаётдан келиб чиқиб ана шундай саволлар билан муроожаат қилишнинг жуда катта аҳамияти бор, эди. Негаки, тадбир машғулотидан олдин унинг иштирокчиларига анкета саволлари тарқатилган эди. Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси бўйича ана шу савол-жавоблар шуни кўрсатадики, умуман уларнинг қатнашчилари Қонун лойиҳасини асосан маъқуллайдилар. Айни пайтда айрим банд ва моддалар бўйича ўзларининг фикрларини ҳам ўртага ташладилар. Жумладан, иштирокчилар сайлов комиссиясининг фаолияти, депутатликка номзодларни кўрсатиш жараёни бўйича ўзларининг алоҳида фикрларга эга эканликлари маълум бўлди. Қонун лойиҳасини Ўзбекистон давлат манфаатларидан келиб чиқиб маъқуллаганликлари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ҳам бошқа партиялар каби тенг ҳуқуқлиликка имкон берилганлигини таъкидлаш эътиборга сазовордир. Иштирокчилар ўз гуруҳларининг ҳуқуқ ва вазифаларидан келиб чиқиб, ўзларининг ана шу ҳуқуқ ва вазифаларини, ўз билим даражаларини қатъий туриб ҳимоя қилдилар. Кейинчалик ҳар бир микрогуруҳга учтадан алоҳида-алоҳида топшириқлар берилгани ва ҳар бир саволга берилган жавобга қараб баҳолар ҳисоблаб чиқилгани ғолибларни тезликда аниқлаш имконини берди. Баҳолар ҳар бир микрогуруҳ бўйича ҳисобга олингани ҳам машғулот таъсирчанлигини оширди. Бозор иқтисодиётига ўтиш бу фақат иқтисодий соҳада технологиялар ва маҳсулотлар рақобатигина эмас, балки ғоялар рақобати ҳам эканлиги, у ҳам ўзининг муносиб ўрнини топиши даркор эканлигини юракдан ҳис этасан, киши.

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ ВА ҲУҚУҚ БЎЛИМИДАН. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси бўйича ўтказилган мазкур машғулот муаллифи педагогика фанлари доктори, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши парламент иши ва партияларо алоқалар бўлимининг илмий маслаҳатчиси Яков Самсонович Уманскийдир. У нафақат «Ақлий ҳужум» муаллифи ва илмий маслаҳатчиси, балки уни амалга оширишда бевосита жонкуярлик кўрсатган фаоллардандир. Мана, унинг мазкур машғулотга холис баҳоси: **«Иштирокчиларнинг ақл ва идрокларига баҳо беришда ҳеч қандай профессор, раҳбар ёки ҳайъат йўқ эди. Гуруҳларнинг ўзлари бир-бирларига баҳо бердилар. Қандай баҳо бериш мезонларини ишлаб чиқдилар. Ҳеч ким бир-биридан ҳафа бўлмади, ўзларини-ўзлари синашди. Айниқса, Жиззах вилоят Зомин тумани кенгашининг биринчи котиби Шавкат Муродов, Наманган вилояти Норин тумани кенгашининг биринчи котиби Мирзакамол Ҳожиев, Навоий вилояти Учқудуқ тумани кенгаши биринчи котиби М. Сейтназаров, Қарши шаҳар кенгашининг биринчи котиби Музаффар Туробов, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани кенгашининг биринчи котиби Эркин Холмирзаев ва бошқалар машғулотда ўзларининг иқтидорларини кўрсатдилар.**

Қонун қабул қилингач, биринчи котиблар жойларда барча сайловчилар билан иш олиб боришлари аниқ. Илгарилари қонун ўзича, ҳаёт ўзича эди. У бизга қандай ҳуқуқ ва вазифалар беради? Буни чуқур билиб олиш қонунни ҳурмат қилишга ёрдам беради. Ахир беш қўл баробар эмас-да.

Сиёсий таъсирнинг шундай механизмини ишлаб чиқиш керакки, сайловчилар томонидан ХДП номзодларини қўллаб-қувватлаш ишини пухта йўлга қўйайлик. Янги демократик шароитда қуруқ сўз кетмайди, бу ишнинг технологиясини билмоқ, амалий ёндошмоқ керак. Қолаверса, бошқалар фикрини ҳам эшита билмоқ, унинг нуқтаи назарини олдиндан ҳис этмоқ, ўз нуқтаи назарига эга бўлган ҳолда конфронтацияга йўл қўймаслик лозим. Сайлов шуни талаб қилади: ҳамиша умумдавлат манфаатлари биринчи ўринга қўйилиши зарур! Иштирокчилар ўз уйларига боришгач, ўз сайловчиларини тўлқинлантираётган масалаларни чуқурроқ англаб оладилар, жамоат фикрини ана шу масалаларга қаратадилар, деб ўйлаймиз.

Муштарийларга айтадиган икки оғиз сўзимиз бор. Мамлакатимизда демократик жараёнлар кечаётган экан, энг аввало буларнинг бошида Президентимиз, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раиси Ислом Каримов турганлиги аёндир.

Ўзбекистонда тайёрланаётган сайлов ислоҳоти Конституцион жиҳатдан кафолатланган, унинг халқчиллигини таъминловчи омилларга ҳам эгамиз. Холисона айтиш керакки, Халқ демократик партияси нафақат ўз сайловчиларининг, балки бошқаларнинг ҳам манфаатларини кўзлайди. Оддий фуқаролар бунинг туб маъзига тушуниб етиши учун сайловолди дастурида кундалик ва истиқболли ҳаётий вазифалар ўз аксини топмоғи лозим. Шунинг учун ҳам Марказий Кенгаш пленумида айтилганидек, биз сайловга тайёргарлик ишлари Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси эълон қилинган кундан эътиборан бошланди, деб ҳисоблаймиз. Муштарийлардан — ХДП аъзолари ва хайриҳоҳларидан сайловолди дастуримизда нималар акс этиши, депутатлар олдига қандай вазифалар қўйиш кераклиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўраймиз. Уларнинг ҳам ижодий фикрлашишларига имкон беришни ўринли деб ҳисоблаймиз.

ҚУЙИДАГИ САВОЛЛАРГА СИЗ ҚАНДАЙ ЖАВОБ БЕРАСИЗ?

БИРИНЧИ САВОЛ:

— Халқ ўртасида обрў-эътибор қозонган, шу билан бирга ХДП аъзоси бўлса ҳам Ўзбекистон ХДП номидан маълум сайлов округи бўйича уларнинг номзоди кўрсатилмади дейлик. Оддий партия аъзолари ва оддий сайловчилар бунга қандай муносабатда бўладилар?

ИККИНЧИ САВОЛ:

— ХДПнинг умумпартиявий рўйхатини шакллантиришда маҳаллий партия ташкилотлари фикрини инобатга олиш механизми ва принциплари нимада деб биласиз?

УЧИНЧИ САВОЛ:

— Бизнинг ХДП номзодлари қандай кишилар бўлмоғи керак? Маълумки, бизнинг парламент профессионал ҳисобланади. Унга сайланган кишилар олдинги иш жойларини (лавозимини) тарк этиши керак. Агар у ўз иши (лавозими)дан воз кечишни ҳоҳламаса-чи? Бунга қандай қарайсиз? Юқори билимли, софдил, зиёли кишилар, ўрта бўғиндаги кадрлардан номзод танлашга қандай қарайсиз?

Ўз жавобларингизни таҳририятимизга йўллайсиз, деб умид қиламиз.

Ҳамид ИКРОМОВ,
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими мудири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Республика ташқарисидан олиб келинаётган энергия манбаларининг, техника, асбоб-ускуналарнинг нархлари тўхтовсиз ўсиб бораётгани муносабати билан ҳамда транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаси ишининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Шаҳар ва шаҳар атрофи транспортида йўловчи ташиш, алоқа хизматлари ва коммунал хизмат айрим турларининг амалдаги тарифларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

1993 йилнинг 16 октябридан бошлаб шаҳар ва шаҳар атрофи транспортида йўловчилар ташишнинг чекланган нархлари — ўрта ҳисобда 1,75 баробар, коммунал хизматларнинг айрим турлари — ўрта ҳисобда 2 баробар оширилди. Алоқа хизмати баъзи категориялари—телефондан фойдаланиш, хат ва телеграммалар юбориш тарифлари ҳам кўтарилди.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, транспорт, коммунал хўжалиги ва алоқа хизматларининг янги тарифлари амалда сарфланаётган ҳаражатлардан талай даражада пастдир. Шу муносабат билан давлат мазкур тармоқларнинг зарарини қоплаш учун зарур маблағларни ажратиб беради. Республикамизнинг ҳар бир аҳолисига ҳисоблаганда 1993 йилнинг IV чорагидагина дотация миқдори деярли 2500 сўмни ташкил қилади.

Бундан ташқари илгари қабул қилинган қарорларга мувофиқ республика аҳолисининг айрим тоифаларига ушбу хизматлар учун (транспорт, коммунал хизматлар, телефондан фойдаланиш) бериладиган амалдаги имтиёзлар қарорда сақлаб қолинган.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, МДҲнинг бошқа мамлакатларида мазкур хизмат турларининг амалдаги тарифлари Ўзбекистонда янги белгиланган тарифларга нисбатан ҳамма жойда юқоридир.

• *Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг икки йиллиги олдидан*

АСОСИЙ ИШЛАР ОЛДИНДА

Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ўзимнинг ҳиссамни қўшмоқчиман. Шунинг учун ХДП аъзолигига қабул қилишингизни сўрайман. Погорелова Нина Петровна Наманган шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 1-болалар боғчасининг катта тарбиячиси».

«Мени ХДП аъзолигига қабул қилишингизни сўрайман. Юртбошимиз, партиямизнинг Раиси И. А. Каримов томонидан ўтказилаётган ички ва ташқи сиёсатни тўла-тўкис маъқуллайман. Ҳалитова Нонна Александровна, бўёқ-пардозлаш фабрикаси кимёвий лабораториясининг муҳандис-кимёгари».

Шунингдек, 6-болалар боғчаси тарбиячиси Наталья Геннадьевна Зорина ҳам худди шундай мазмунда ариза берди.

Сўнгги ҳафтадагина шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич ташкилотига ХДП сафига қабул қилишни сўраб 76 киши ариза берди. Бу корхонада ХДП ва унинг бошланғич ташкилотининг обрў-эътибори ортиб бораётганини кўрсатади.

Халқ демократик партияси фуқаролар ишончини қозониши осон бўлмади, албатта. Бунинг учун, аввало, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги қийинчиликларни енгишга, кишиларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор беришга тўғри келди. Фақат барқарор ва пухта ўйланган сиёсатга бўйсундирилган амалий ишлар билангина янги партияга бўлган ишончни орттириш мумкин эди. Худди мана шундай ёндашув ХДПнинг кенг кўламда тан олинишига ва обрў-эътибор топишига ёрдам бермоқда.

Буни бирлашма бошланғич партия ташкилоти олиб бораётган тадбирлар мисолида яққол кўриш мумкин. Қисқа вақт ичида унинг аъзолари сони икки баробар ортиб, 307 нафарга етди. Яна кўплаб тўқимачилар партияга кириш учун ариза бермоқдалар. ХДПга фақат ўзбекларгина эмас, турли миллат вакиллари — руслар, татарлар, украинлар, корейслар, уйғурлар ва бошқалар ҳам кирмоқдалар. Уларнинг фикрича, бу партия ҳозирги даврнинг ҳамма яхши қадриятларини ўзида мужассамлаштирган.

Партия ташкилоти фақат сон жиҳатдангина эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам мустаҳкамланяпти. Цехпартия ташкилотлари сони ўнтага етди. Йигирув ва тўқув ишлаб чиқариши, бўёқ-пардозлаш фабрикаси, уй-жой ва коммунал хўжалиги бошқармаси, 6-болалар боғчаси партия ташкилотлари ўзларининг фаол ишлари билан алоҳида ажралиб турадилар. Йигирув фабрикаси электр цехи бошлиғи, мазкур цех партия ташкилоти котиби Маҳмуджон Қирғизов, тўқув фабрикаси цех партия ташкилоти котиби Раҳматжон Мингбоев, уй-жой ва коммунал хўжалиги бошқармаси муҳандиси Равзахон Акбарова сингари кўпгина ХДП фаолларининг ташаббускорлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Улар ҳозир, масалан, моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдамга муҳтож бўлганлар рўйҳатини тузишяпти. Булар— уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақахўрлар, ёлғиз ногиронлар, талабалар, кўп болали оилалардир. Уларнинг ҳаммасига бошланғич ташкилот амалий ёрдам кўрсатади. Шу ва шунга ўхшаш ғамхўрликларнинг ўзиёқ одамларни бефарқ қолдирмайди, партияга бўлган эътиқоди, ва ҳурматини оширади, албатта.

— Биз, партия аъзолари учун асосий ишлар ҳали олдинда, — дейди ХДП бошланғич ташкилоти котиби, бирлашма бош муҳандисининг ўринбосари Боқижон Турдибоев. — Ҳозир кўпроқ ташкилий ишлар билан шуғулланяпмиз. Бошланғич ташкилотимиз мустаҳкамланиб, сафларимиз кенгайиб бормоқда.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ,
Наманган шаҳри.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

• *«Ҳосил—93»*

Оқолтин туманидаги «Андижон» давлат хўжалиги 7-ширкат жамоаси заршунослари бу йил об-ҳаво қийинчиликларига қарамасдан пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Куни кеча бу ерда механизаторлар машина теримини бошлаб юборишди. Айни пайтда теримчилар ҳам бўш келишаётгани йўқ.

СУРАТДА: (чапдан) илғор теримчилар Н. Қўчқорова, Ф. Эгамбердиева, М. Ялғошевалар

Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

САФАРБАРЛИК

ҚУМҚЎРҒОН. Сафар Бойматов номли жамоа хўжалигининг 10-бригадаси туманда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарди. Бу янгилик бригадир Чори Темировдан ҳам кўра бошқаларни кўпроқ хушнуд этди. Масалан, хўжалик бошқарувининг раиси Эргаш Жумаев илғорларга битта от совға қилди. Қумқўрғонлик ишбилармон Худойберди Худойшукуров бригада даласига битта қўй етаклаб чиқиб сўйиб берди.

Шу хўжаликнинг Қарши Соатмуродов бошлиқ бригадасида эса ҳар гектар ердан 50 центнердан ошириб ҳосил олинмоқда. Хўжалик бошқарувининг бу бригадага ҳам катта соврини бор.

Умуман, пахта йиғим-теримида сурхондарёликлар сафарбарлик маррасига чиқиб олдилар. Қумқўрғон, Денов, Жарқўрғон туманларида терим суръати кўнгилдагидек бўляпти. Далаларга терим машиналари олиб чиқилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

КАРВОНБОШИЛАР

Қашқадарё вилояти пахтакорлари бу йил ҳам олтин кузнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиб пахта йиғим-терими суръатини оширмоқдалар.

Вилоятнинг Қамаши, Ғузор, Косон туманлари деҳқонлари уруғлик пахта тайёрлаш режаларини уддаладилар.

Ғузор туманидаги Улуғбек номли жамоа ширкат хўжалиги меҳнаткашлари режадаги 1740 тонна ўрнига 1800 тонна юқори сифатли пахта тайёрладилар. Эндиликда Косон туманидаги Абдулла Набиев номли, Алишер Навоий номли жамоа ширкат хўжаликлари ҳам мажбурият ҳисобига пахта топширишмоқда.

Мусо КАРОМОВ,

СУРЪАТ ОШИРИЛЯПТИ

● Навоий вилояти пахтакорлари улкан меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Вилоятда уруғлик пахта тайёрлаш режаси ошириб бажарилди.

Эл хирмонига режадаги 12 минг ўрнига 13 минг тоннадан зиёд юқори навли уруғлик пахта етказиб берилди. Эришилган муваффақиятга йиғим-теримда карвонбошилик қилаётган Қизилтепа, Навбаҳор Навоий туманлари заршунослари муносиб ҳисса қўшди, уруғлик пахта хирмонини 15 минг тоннага етказиш учун терим суръати оширилянти.

Музаффар ШАРОПОВ.

„ОҚ ОЛТИН" ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида 1993 йил 15 октябрга қадар бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режадагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Жами		Шу жумладан машинада терилгани	
	Бир кунда	Мавсум бошидан	Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	2.41	88.72	1.24	13.22
Бухоро	2.53	82.48	0.69	20.09
Сурхондарё	2.13	71.76	1.41	39.93
Қашқадарё	3.55	68.65	3.42	57.39
Қорақалпоғистон Республикаси	2.23	67.96	1.88	45.01
Навоий	3.42	60.12	2.47	28.15
Фарғона	2.64	47.94	0.88	7.86
Андижон	3.66	46.61	2.24	9.39
Самарқанд	3.12	36.68	1.87	14.64
Наманган	3.02	34,13	1.27	7.29
Тошкент	3.73	31.63	3.42	18.74
Жиззах	3.34	26.67	3.38	23.44
Сирдарё	1.90	14.61	1.43	6.33
Республика бўйича	**2.87**	**52.66**	**2.12**	**23.79**
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	2.17	60.47	0.00	0.00
Қашқадарё	3.22	30.35	0.00	0.00
Наманган	0.51	7.63	0.00	0.00
Республика бўйича	**2.40**	**53.06**	**0.00**	**0.00**

• ПАРТИЯНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ЯРАТИШГА ДОИР НУҚТАИ НАЗАРИ—МУШТАРИЙЛАР МУҲОКАМАСИДА

Мустақиллик — сиёсий, иқтисодий ва маънавий истиқбол эканлигини баралла айтиш учун уни қонунлаштириш, мажмуаларни умумлаштириш керак эди. Ўзбекистон давлатининг биринчи Конституцияси қабул қилиниши уни қонуний асосладики, ҳуқуқий давлат қуришда Ватанимиз янги босқичга кирди.

Ўзбекистон — кўп миллатли диёр. Шундай экан, ҳар бир миллат ва элатнинг ўз йўли, ўзлиги борлигини тан олишимиз, уни эъзозлашимиз, қадрлашимиз бугунги мустақил давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ҳақли равишда шундай дейдилар: «Ҳеч ким бизнинг истиқлолимизга дахл қилолмаслиги учун ҳар биримиз ўз йўлимиздан ўзаро тинчтотув ва ҳамкорликда жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур». Худди шу фикрга ўзбек миллий мафкурасини яратиш чоғида амал қилмоғимиз шарт.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари лойиҳаси айни бугунги куннинг муҳим мавзуси эканлигини таъкидламоқчиман. Ушбу нуқтаи назарнинг тўрт соҳаси: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маънавият бўлиб, мамлакатимизнинг буюклиги, истиқболли келажаги тўлалигича қамраб олинган. Ҳар қандай ривожланган давлатнинг иқтисодий устиворлиги бўлиши табиий бир ҳол. Бироқ ўша давлатнинг миллий мустақиллик мафкураси бўлишини сира унутмаслигимиз керак. Бунда икки томон назарда тутилади. Давлат мустақиллиги ва шу давлатдаги миллат — ҳамда элатлар жипслиги. Ҳар қалай миллий мустақиллик — «Юксак маънавият — миллий равнақимизнинг бош омили!» экан, Ўзбекистонликлар бирлиги — мустақиллик пойдеворидир.

Миллий мустақиллик мафкураси ўзининг йўналишларига эга бўлиши, менимча, фақат Ватанимиз равнақи учунгина эмас, балки Марказий Осиё давлатлари халқлари билан, қолаверса жаҳон мамлакатлари халқлари билан ҳам ҳамкорликни юзага келтиради. Булар:

—ўзбек мустақиллиги мафкураси — дўстлар мафкурасининг истиқболли қадр-қимматларини ўзлаштирган ҳолда қудратлидир. Мафкура бобида ўзбек халқи урф-одатлари, расм-русумлари, ахлоқи, одоби — умуман инсоний қадриятлари бошқа халқлар мафкурасидан кейинда турмайди, ўрганишга, ўзлаштиришга арзийдиган жиҳатлари оз эмас;

— мафкура ҳеч қачон «тоза бир миллат»га мансуб эмас. У ўз ҳудудида яшовчи халқларнинг илғор ғоя ва тушунчаларини умумлаштириб, обдон пишитилгандан кейин ўша ҳудуд халқи номидан талқин қилинади. Шунинг учун ўзбек мустақиллиги мафкураси деганда, шу ҳудудда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар вакилларини тушунмоғимиз лозим.

Сабаби, ўзбекона одатлар, анъаналар, ислом дини қарашлари немис халқида, рус халқида бўлмаслиги мумкин. Мисол учун қўшни давлат Россияда «рус ғояси», «рус мафкураси» иборалари ишлатилади. Лекин у Россияда яшаётган татар, бошқирд, чечен, удмурд, нанай, борингки, 150 дан ортиқ миллат ва элатларнинг умумлашган мафкураси сифатида талқин қилинади.

Ўз вақтида рус файласуфи Чернишевский «Миллатнинг муҳим бойлиги — халқнинг маънавий қиёфасидир», деб ёзганди. Сталин сиёсати туфайли Марказий Осиё халқларининг метиндек бирлиги тилка-пора қилинди. Сталин ўтмиши бой халқларнинг кучайиб кетишидан қўрқди: шунинг учун бир бутун Марказий Осиёни майдалаб ташлади. Бир бутун турк миллатини туркман, ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ сингари миллатларга бўлиб юборди. Бу майдалаб бошқариш сиёсати, бу ёвуз сиёсат эди. Сталин шу тарзда халқимизнинг насл-насаби турк эканлигини унуттириши, кейин бир туғишганлигимиз, табиатимиз ва ғуруримизни тиклаймиз. Бу қийин, иш, бироқ бунга эришишмиз, уни эъзозлашимиз, қадрлашимиз бугунги мустақил давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ҳақли равишда шундай дейдилар: «Ҳеч ким бизнинг истиқлолимизга дахл қилолмаслиги учун ҳар биримиз ўз йўлимиздан ўзаро тинчтотув ва ҳамкорликда жипслашиб ҳаракат қилишимиз зарур». Худди шу фикрга ўзбек миллий мафкурасини яратиш чоғида амал қилмоғимиз шарт.

ФУҚАРОЛАР ЖИПСЛИГИ— МУСТАҚИЛЛИК ПОЙДЕВОРИ

Миллатни манқурт даражасига етказишни ва уларнинг ўрталарида доимий низолар уйғотишни, элни пахта қулига айлантиришни, бойлигини талашни, табиатини ғорат этишни кўзда тутган эди.

Сталин бу ниятларни амалга ошириш учун бир туғишган элнинг ёзувини ўзгартирди. Оқибатда Марказий Осиё халқлари ўз тарихини ўқиёлмай қолди, миллий мафкура йўқ қилинди. Мана, бизнинг бош фожиамиз. Энди биз ишни қайтадан бошлаймиз: «халқлар отаси» топтаган ёзувимизни, бир туғишганлигимиз, табиатимиз ва ғуруримизни тиклаймиз. Бу қийин, иш, бироқ бунга эришишнинг бир калити бор. Бу калит Туркистон элининг бирлигидир. Энг оғир дамларда ҳам эл бир бўлса, уни ҳеч қандай куч енга олмайди. Боиси, ўз миллий мафкураси бор миллат бошқа миллатни ҳам кўз қорачиғидай эъзозлайди.

Сўнгги икки-уч йилда МДҲдаги «бешлик» раҳбарлари кўп марталаб учрашишди, айнан миллий онгимиз, миллий-маънавий бирлигимиз — ҳам урф-одатларга, ҳам диний эътиқодларга кўра якдил эканлиги қайд қилинди. Тарихий жараёнларнинг ривожланишида, унинг меъёри изга тушишида раҳбарларнинг ўрни катта бўлган. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг йўл-йўриқлари, мақсад ва вазифалари қатъий. Халқимизни иқтисодий тангликдан олиб чиқиш, ҳозирги бозор иқтисоди турланаётган пайтда уни аниқ бир изга солиш, фаровонликни яратиш қанчалик зарурат эканлигини англаб етмоқдамиз.

Зотан, миллий истиқлол мафкурасининг мустақил Ўзбекистонда янгича ривож топишида тўртта асосий йўналиш борлигини унутмаслигимиз керак. Бу ўринда нуқтаи назардаги «Маънавият соҳасида» бўлимининг сўнгги хатбошисига қуйидагича таҳрир киритиш лозим деб ўйлайман. Булар:

— биринчидан, ҳар бир миллат ва элатнинг ўз мустақиллиги, ўз миллий онглиги ҳамда миллий қадриятларини англаш; иккинчидан, ҳар бир миллат ва элатнинг тўла демократияга эришиши, яъни тенглар ичра тенг ҳуқуққа, эркин ва озод равнақ топиш сари йўл тутиши; учинчидан, халқларнинг байналмилал равнақ топиши; тўртинчидан, тиллар тенглиги, айни пайтда ҳудуддаги ўзбек тили Давлат мақомини олиши ва лотин шрифтига ўтишимиз бугунги куннинг долзарб талабидир.

Шу ўринда рус тили ҳақида баъзи хулосалар бор. Жаҳоннинг Франция, Англия, Италия, Испания каби мамлакатларида ягона ерли тил ҳукмрон. «Иккинчи она тили» ҳақида сўз ҳам йўқ. Иш юритиш бир тилда олиб борилади. Иккинчи, учинчи тилни билишингиз иқтидорингизга боғлиқ. Ушбу мамлакатларда бошқа тилли миллат ерли тилни билмаса турмуш тарзи қийин давом этишини яхши билишади. Ким АҚШда яшамоқчи бўлса, аввало маҳаллий тил — инглиз тилини ўрганиб олади.

Собиқ Совет Иттифоқининг дастлабки йилларида (аниқроғи 1917—23 йиллар) Миллий ишлар бўйича Халқ комиссариати фаолият кўрсатиб, миллат ва элатларнинг равнақ топиши учун қатор чора-тадбирлар белгилаган эди. Жумладан, Москвада СССР халқлари нашриёти, ижодий уюшмалар бўйича миллий кадрлар тайёрлайдиган киностудиялар, труппалар, курслар, олий ўқув юртлари юзага келтирилганди. Бундай тадбирлар бугунги Ўзбекистонда қўлланилиши фойдадан ҳоли бўлмасди.

Яъни нуқтаи назарнинг «Сиёсий соҳада» бўлими 8-хатбошисининг **«...жамоат бирлашмаларининг фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш»дан кейин қуйидаги фикрларни билдирмоқчиман. Ҳозирги республика байналмилал маданий маркази ўз иш кўламига кўра миллий масала ҳамда миллий муносабатлар борасида амалга оширилаётган катта ишларни умумлаштириш, йўналтириш имкониятига эга эмас. Шу боисдан ҳам мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элатнинг қувончи ҳамда ташвишларини жамлай оладиган миллий ишчи қўмитаси бўлмоғи лозим.**

Қуръони Каримнинг «Иккинчи жузъ» 143-сурасида «сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўта (адолатли) бир миллат қилдик», деганида миллат ва халқлар дўстлигининг мақсад сари бирга меҳнат қилиши зарурлиги қайд қилинган. Зотан, Конституциямизнинг асосий йўналиши ҳам шунга қаратилгандир. У энди ўзбекистонликларнинг қомуси—йўлчи юлдузи бўлиб қолди.

Истиқлолимизнинг пойдевори миллий дўстлик ҳамда мафкурамизнинг асоси — умуминсоний қадриятлар ва анъаналар экан, миллий мустақиллик мафкураси халқлар дўстлиги мафкураси билан ниҳоятда қудратли эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этиб турибди.

Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, ТошДУ профессори, ХДП аъзоси.

• *Юрти бойнинг—ўзи бой*

ЎН ТЎРТ ЯШАР ФЕРМЕР

Сурхон дарёси кўпригидан Термиз шаҳрига кираверишдаги Мангузар деб номланувчи чорраҳа қошида, катта йўлнинг устида бир ҳонадон бор. Йўлдан хонадон дарвозасига қадар бўлган йўлакда токдан чиройли қилиб соябон кўтарилган. Дарвозадан ҳатлашимиз ҳамоно «жаннати ҳовли экану, эгасига буюрсин» деган фикр ҳаёлингизга урилади. Чунки... Чор-атроф саранжом-саришта. Чорвоқда ўн-ўн беш хил ҳосилга кирган мевали дарахт.

Келинг, яхшиси хонадоннинг соҳиблари билан таништирайлик: Олим Очиловни тўғриси, ўзим ҳам танимайман. Ташрифимиз чоғида уйида йўқ экан.

—Хўжайинимиз вилоят техника таъминоти базасида бошлиқнинг ёрдамчиси бўлиб ишлайдилар. Тошкентга, хизмат сафарига кетганлар, — деди уй соҳиби ҳақида унинг турмуш ўртоғи Дилбар Чоршанбиева. — Агар фермерлик юмушларимизни кўрмоқчи бўлсангизлар, мана, ўғлим Отабекдан гап олаверасизлар.

Уй соҳибасининг ишораси билан бизга қарашлари, ҳаракатлари зийрак, унча-мунча гапга шошилмасдан жавоб берадиган ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги ўсмир бола рўбарў келди. Ва...бизни қўрага бошлади. Кўра деганимиз шифти баланд қилиб кўтарилган, плита билан ёпилган баҳаво айвонлар. Қирқта қорамол беш-олти қўрада алоҳида ажратиб боқиляпти. Бирида соғин сигир ёки тана бўлса, яна бирида сўқимлар. Ичкарироқда олтмиштача қўй. Қаровнинг зўрлигидан қўйларнинг ҳаммаси соққадай.

— Бу ҳовлига кўчиб келганимизга ўн саккиз йилча бўлди, — дейди уй соҳибаси. — Ўшанда онам, янги рўзғорсизлар, деб бир сигир тортиқ қилдилар. Бокдик, молимиз шундан кўпайиб кетди, денг. Президентимизнинг, фермер бўлинглар, деган гапини олдик. Мана,, икки-уч йил бўлиб қолди, қўраларни созлаб, ўттиз-қирқталаб қорамол боқаяпмиз. Одамларга гўшт етказиб бераяпмиз.

Чоршанбиеванинг одамларга гўшт етказиб бераяпмиз, деган гапи бир қарашда баландпарвозликка ўхшаб кетади. Лекин аслини суриштирсангиз бу суханнинг ростлигига ишонасиз. Фермерлар бор хизмат қилади, мол боқади. Лекин унинг хизматидан қишлоғи, ҳамсоя-овули баҳраманд бўлмайди. Чунки у боққан молини туёғлайин гўшт комбинатигами топшириб юборади. Очиловлар бўлса, бошқачароқ йўл тутади. Қишлоғидан, аниқроғи ўша Мангузар чорраҳасидан гўшт сотиш дўконини очди. Иш тартибини қассоб Тош Маматқулов билан келишиб олди. Термиз шаҳрининг, йўргакдан теккан эмасдиру, лекин биз билгандан буён бир касали бор: бозоридан гўшт топиш қийин (гўшт комбинати дарвозасининг гавжум бўлишига эҳтимол шу нарса боисдир). Мангузар бўлса, шаҳардан бир қадам. Ҳамиша янги сўйилган молнинг гўшти муҳайё. Дўкон кимники— Очиловники, гўштга сўйилган мол кимники — Очиловники! Айримлар Очиловнинг ўзи шаҳарда ишласа, озуқа етиштирадиган томорқаси бўлмаса, шунча молни қандай боқаяпти? Бир гап бордир-ов, — дея шубҳали гаплар айтишди. Иккинчи бир гуруҳ бу шубҳаларга эътибор бермади. Меҳнат қилаётган бўлса керакки, бир дўконни обод қилиб турибди. Ҳалоли бўлсин, дейишди. Биз ҳам шу — сўнггги гапга қўшиламиз. Бисотидаги битта сигирни эплаб боқолмайдиганлар бор. У-бу баҳоналарни рўкач қилиб бинойидек парранда ё қўйчилик фермаларини бой бериб қўяётган мутахассислар, раҳбарлар бор. Очиловлар бўлса... Мана, Отабек, қишлоқдаги Тилов Норалиев номли мактабнинг энди саккизинчи синфида ўқияпти. Ўйинқароқлиги йўқ. Айримларга ўхшаб кўча-кўйда саёқ юриши йўқ. Молга қизиқади. Меҳнатга қизиқади. Отаси, онаси куни бўйи ишда. У эса молга қарайди!

— Яқинда «Дўстлик» колхозидан 31 гектар ер олдик. Ишларимиз энди юришади, — дейди Отабек катталарга хос босиқлик билан.

— Қайси китобни ўқиб чиқдинг? — деб сўрайди Отабекдан ХДП Термиз туман кенгашининг биринчи котиби Шерқул Эргашев.

— «Доно вазир»ни. Эртак китоб, — деб жавоб қилади Отабек.

Мактабни битириб, қайси институтга кириб ўқимоқчисан?

— Отам билади, — дейди Отабек елка қисиб.

Сўнг Эргашев биз томон ўгирилди:

— Отабек баҳодир йигит! «Тойота», «Газ йигирма тўрт» машиналарини зувиллатиб ҳайдайди, — деди ва кўнглига бир гап келганидан ҳаяжонлангандай бўлиб, Отабекка ўгирилди. — Сен, ошна, қаерда ўқишимни отам билади, деб юрма. Мустақилроқ бўл. Биласанми, сен лётчик бўл. Самолётга минасану, чегараларимизни қўриқлайсан.

— Айтганингиз келсин, бобоси. Ишқилиб, соғ бўлсин. Ҳозирча отаси нима десалар, шуни қилиб турсинчи, — дейди онаси.

— Катта бўлганимдан сўнг ҳам отам нима десалар айтганларидан чиқмайман, — деди Отабек.

Ўн тўрт яшар фермер — Отабек Очиловнинг бу гапига биз катталар ҳеч нарса дея олмадик...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАЛА ҲИСОБЧИСИ

ГАЗЕТЧИЛИКДА ҳам ёзилмаган «иншо»лар бўлади. Қолипга сиғмайди, вассалом. Ёҳуд ўқувчиларга эриш туюлади, дейишади. Лекин ёзувчи шоир ёки иқтисодчи-ҳуқуқшунос ҳатто оддий ҳайдовчи билан ҳам тайёрланган ҳар хил мулоқотларни ўқигансиз-а? Ўзимиз гувоҳмиз. Аммо...

Тўғрисини айтинг, ҳисобчи билан қилинган суҳбатни ўқиганмисиз? Балки бордир. Очиғи «э, нуқул рақамлардан бошқани билмайди» дея қўл силтагансиз. Ё ёлғонми?

Бу гал ана шу «анъана»ни буздик. (Эслатма: мулоқотимизда имкон қадар рақамлардан камроқ фойдаландик).

Суҳбатдошимиз — Ғузор туманига қарашли Ленин номидаги жамоа-ширкат хўжалигининг бош ҳисобчиси Жўрабек Абдуллаев.

Салом-аликдан сўнг ҳазил аралаш:

— Жўра ака, нега одамлар сизни «даланинг ҳисобчиси, хонасида ўтирмайди» дейишади, — деб сўрадик.

У киши кулимсираб:

Мен ҳам бошқа хўжаликларнинг ҳисобчиларига ўхшаб аччиқ чойни дамлаб, чўтни у ёқ бу ёққа қоқиб, идорадан чиқмай ишласам ҳеч ким уришмайди. Лекин ичкарида ҳаёт бошқа, ташқарида бошқа-да. Шунча йил билиб-билмай бригадирларнинг олиб келган табел-нарядларига имзо қўяверганимиз етар. Қанча қилинмаган ишлар «бажарилди» бўлиб кетган. У ёғи худога аён. Ўтган ишга салавот.

Менинг ортимдан ҳар хил гаплар «юради». Гоҳо «учар Жўра»ям дейишади. Ишлагандан кейин гапирадилар, гоҳо сўкадилар-да. Қизиқ одатим бор, ҳар куни далага бориб деҳқонларнинг иш унумини, шароитини, ҳатто қандай дам олаётганини ҳам кўриб келаман.

— Нима бу, хўжаликнинг бошқа раҳбарларига ишончсизликми ё?..

— Кўрдингизми, сиз ҳам шундай деб ўйлайсиз. Йўқ, айтдим-ку, энди эскича ишлаш вақти ўтди. Одамлар орасига борайлик. Кўрайлик, Ойлик маош ёзишдан аввал, ана шу деҳқон шунча ишни бажаряптими ёки табелчи ноҳалоллик қилиб бажарган нормасидан «уриб» қоляптими, билайин. Эртага яхши ишлагани ҳам, дангасалик қилгани ҳам бир хил маош олмасин. Шундайлар йўқ дейсизми?

—Энди хўжаликларингизнинг бугунги иқтисодий аҳволи ҳақида гаплашайлик.

— Иқтисодий аҳволимиз кўз тегмасин, яхши. Сарф-ҳаражатлар катта. Бу ҳақда кейин...

Икки оғир хўжалик ҳақида гапирай: 1990 йилгача давлат хўжалиги бўлиб келдик. Умумий ер майдонимиз 3873 гектар. 920 гектарига эса пахта экканмиз. Қолганига ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилган. Хуллас, ўзимизга яраша юкимиз бор. Енгил эмас. Дастлабки йили давлатдан бир миллион 700 минг сўмдан ортиқ қарз билан иш бошлаганмиз. Энди, бундан уч йил аввал бир миллионнинг қадри қанча баландлигини ўзингиз тасаввур қилаверинг. Эшитган қулоқ ёмон эди. Одамларимиз «қандай қутуламиз бунча қарздан, ойлик ололмас эканмиз-да» дея ўксиб юришарди. Худога шукрки, биринчи йилиёқ ўзимизни оқладик.

Жамоа-ширкат деганига ажабланяпсизми? Ғузорда янгича йўл тутилди. Қолаверса, Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли жамоа ширкат хўжаликлари кўпайди. Ерларни ҳеч иккиланмасдан халққа бўлиб бердик. Халқ ҳалол ишлади. Ўша йили яхши ишлаганлар мўмайгина мукофотлар ҳам олдилар. Пахта топшириш режасини республикада биринчи бўлиб бажардик. Ҳосилнинг асосий қисми машиналарда териб олинганлиги катта воқеа эди. Уч йил орасида ўзимизни бутунлай тиклаб олдик.

Бу йил ҳам жуда катта ниятлар олдида турибмиз.

— Яна бир гап эшитдик, хўжалик меҳнаткашлари ҳар ойнинг биринчи, жуда кечикса учинчи числоларида ойлик маошларини олишаркан. Шу ростми?

— Ишонмадингизми?

— Тўғриси, йўқ.

— Унда туман банки ходимларидан ёки холис одамлардан сўраб кўринг. Ҳозир ҳамма соҳада қийинчиликлар сезилаяпти. Айниқса ҳисобкитоб чатоқ бўлса, иш кетмайди. Ёки иш ҳақини икки-уч ойлаб беролмаётган хўжаликлар йўқ дейсизми, бор. Ойлик ўз вақтида берилмаса одамларнинг ишга муносабати тез ўзгаради. Рўзғори тўкин, бола чақасининг қорни тўқ, усти бут бўлмаса уларнинг тинчи йўқ. Шунинг учун биз бор имкониятларни ишга солаяпмиз. Ҳозир ҳеч кимдан қарзимиз йўқ. Ҳисобимизда пулимиз бор. Ўтган йили давлатга 2,5 минг тоннадан кўпроқ пахта топширдик. Режадан ортгани ўз ҳисобимизда қолди. 150 тонна тола сотдик. Эвазига 45 миллион сўмни илғорларга тарқатиб бердик. Яхшигина ҳаридорлар чиқса ҳалиям толамиз бор, сотамиз.

Бу муваффақиятлар битта ёки иккита одамнинг иши эмас. Энг қувончлиси, хўжаликка тадбиркор, тажрибали Саъдулла ака Ўлжаев бошчилик қилаётганидан бери юқоридаги ютуқларни қўлга киритдик. Ҳаммамиз якдилмиз. У киши ишнинг кўзини биладиган раҳбар. Мен директор, сен ҳисобчи ёки ҳосилот деб қараб ўтирмаймиз. Азалдан қишлоқ хўжалиги соҳасининг «қонуни» шу. Энг асосийси, халқимиз меҳнаткаш. Шуларнинг ортидан катта гапириб юрибмиз-да. Ҳали мен уларга шу йилнинг ўзида тарқатиб берилган ҳар хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, буғдой, арпа, сут, тухум, борингки, рўзғорга кетадиган нарсаларни санамадим. Миннат қилган бўламиз. Ишлашяпти, ҳалоли бўлсин, олишсин...

Жўра ака гап орасида ўзининг бошидан ўтган кўп азобларни ҳам айтди. Отасиз ўсганини, Тошкентда қийналиб ўқигани-ю, ана шу 24 йиллик меҳнати ортидан ортирган гунох-савобларни ҳам яширмади. Нечта савобталаб кишиларнинг тўй-маъракаларини ўз ҳисобидан ўтказиб берганини ҳам. Бир одамга етиб ортадиган ташвишлар. Уч фарзандининг эртасини ўйлайди. Аёли Ҳимматой опа ҳам ишли. Меҳнатобод қишлоқ шўросининг раисаси. Қувонч-ташвиши ўзи билан.

Хуллас, Жўра ака ҳақида билганларимиз шу. Юқорида айтганлари ўзиники. Ҳатто чўрткесарлиги, шошқалоқлиги гоҳо тан бериб қўйишиниям ўзи тан олди. «Одамлар ишласанг ҳам кўролмайди. Ҳар хил гап-сўзлар тарқатиб юради» деди-ю, у ёғини айтмади. Биз ҳам сўрамадик. Керакмас. Сўнгра:

— Бу йил қандай бўлади? Об-ҳавонинг авзойига қаранг, — деб сўрадик.

У киши жиддий оҳангда:

— Эй, сўраманг, йилнинг бошидан бери осмонга қараймиз. Сал булут чиқса юрагимизга ғулғула тушади. Директоримиз Саъдулла ака бош ҳосилот Ўролжон, бош иқтисодчи Эшманбой, бригадирлар Тўйчи Авазов, Бегим Пардаев, Ашур Чориевлар билан кечаям ўзаро дардлашиб олдик. Кунига 5—6 фоиздан пахта топшираяпмиз. Йиллик режамиз уч-тўрт кун орасида бажарилади деди...

Мана, битта оддий ҳисобчининг қувончу дардлари. Сиз бўлсангиз «рақамлардан бошқа нимаям биларди улар», дейсиз...

Норқобил ЖАЛИЛ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.



СУРАТДА: ҳисобчи Жўрабек Абдуллаев.

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ЯНА БИР БАЙРАМ

●АШГАБАТ. Ўтган ҳафтада бўлиб ўтган парламент сессиясида С. Ниёзовга расмий Сапармурод Туркманбоши номини бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Президент туғилган 19 февраль куни бир йўла умумхалқ байрами ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Шунингдек сессияда бир қатор қонунлар ҳақидаги ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. Улар орасида «психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонун ҳам бор. Бу қонунда бошланғич психиатрик гувоҳномаларни тартибга солиш ва мажбурий тартибда руҳий хасталик шифохоналарига ётқизиш ишларини тартибга солиш тўғрисига эътибор берилади.

ЯНГИ БАДИИЙ ЖУРНАЛ

●ХЎЖАНД. «Сахум» деб номланган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журналнинг дастлабки сони босмадан чиқди.

Уни Ленинобод ёзувчилар уюшмаси бўлими нашр этди.

УЧ МИНГ ЎҚУВЧИ ПАХТА ТЕРЯПТИ

Хўжанд шаҳридаги 29-мактабнинг 9—11 синф ўқувчиларидан уч мингдан зиёд бола пахта теримида қатнашмоқда.

Ўқувчилар далага чиқиши билан пахта терими бирмунча салмоқли бўлиб бормоқда.

ТУРКМАНИСТОН ВА НАТО

● АШГАБАТ. Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурод Ниёзовнинг мамлакатда амалга ошираётган иккинчи ислоҳоти миллий армияни яратиш билан боғлиқдир.

Туркманистон армиясини ташкил этишда НАТО билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномага эришилди. Шунга қарамай Туркманистон армияси Шимолий Атлантика ҳарбий блокининг таркибига қўшилмайди.

ҲАММА НАРСА УЧУН ТЎЛАШ КЕРАК

● БИШКЕК. Республика пойтахтида нон танқислашиб бораяпти.

8-автомобиль транспорти корхонаси Қирғизистон нон маҳсулотлари республика ишлаб чиқариш бирлашмасини новвойхоналар ва нон заводларини транспорт воситалари билан таъминлашни тўхтатиши тўғрисида огоҳлантирди. Чунки нон тайёрлаш корхоналари транспорт ҳақини тўлашга қодир бўлмай қолаётир. Улар автомобиль корхоналарига 150 минг сом пул тўлаши керак. Ун комбинатларининг қарзи эса икки миллион сомга яқинлашиб қолди.

ДОЛЛАР ҚИЙМАТИ ЎЗГАРМАДИ

● БИШКЕК. Банклараро навбатдаги валюта савдоларида долларнинг қиймати пасаймади.

Ҳозирда бир долларга 6,5 сом берилмоқда. Бу савдоларда бешта тижорат банки қатнашди.

НЕФТЬ ВА ГАЗ

●АЛМАТИ. Қозоғистон пойтахтида жаҳоннинг 20 мамлакатдан келган 300 дан зиёд фирманинг вакиллари иштирокида халқаро кўргазма намойиш этилди.

Бу кўргазмада нефть ва газ хом ашёсини излаш, қазиб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва транспортда жўнатиш билан боғлиқ бўлган жуда кўп ускуналар мутахассислар диққатига ҳавола этилди. Бу кўргазмада жаҳонга энг донғи кетган «Бритиш гез» «Бритиш Петролеум», «Аджид «Шеврол» каби йирик фирмалар қатнашди.

ҲИНДИСТОН БАНКЛАРИ

● АЛМАТИ. Ҳиндистон ҳукумати Қозоғистонда бир неча қўшма банкларни очишга тайёр эканлигини изҳор этди.

Дўст мамлакат ҳукуматининг фикрича, МДҲ мамлакатларига товарларни экспорт қилиш ишларини рағбатлантириш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширишни мўлжалламоқда.

РУС ТИЛИДА ДАРСЛИКЛАР

●ДУШАНБЕ. Тожикистондаги рус мактаблари дарсликлар билан тўла-тўкис таъминланмоқда.

Республика таълим вазирлигининг дарсликлар ва ўқув қўлланмалари бошқармасида республикада рус тилида ўқитиладиган барча мактабларнинг 98—99 фоизи рус тилидаги дарсликлар билан тўлиқ таъминланган.

ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ МУРАККАБЛАШДИ

● АЛМАТИ. Республика транспорт вазирлиги ишбилармонликда йўловчилар ва юкларни турли хил транспорт воситаларида ташиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни мажбурий лицензиялаш тўғрисида қарор лойиҳаси тайёрланди.

Республика транспорт вазирлигининг махсус комиссияси бундай лицензияларни беради. Ҳар ҳолда бундай ижозат қоғозини олиш мураккаблашиб бораётганга ўхшайди.

БАРЧАНИНГ МАНФААТИ КЎЗЛАНМОҚДА

● ХЎЖАНД. Ленинобод вилояти халқ депутатлари кенгашининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида вилоятда ва республикада ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият тўғрисида қарор қабул қилинди.

Унда бюджет ташкилотлари ходимларига меҳнат ҳақи миқдорини, шунингдек, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини бирмунча ошириш тўғрисидаги масала муҳим этиб қўйилган.

Ҳозир Тожикистонда энг кам иш ҳақи 6 минг сўм, пенсиялар эса 7 минг бир юз сўмдир.

Сессияда пахта хом ашёси харид нархларини қайта кўриб чиқиш тавсия этилди.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

Янгиликлар Воқеалар Хабарлар

• *Ўзбекистон—Эрон: ҳамкорлик чорраҳаларида*

ЯНГИ ФАСЛ БОШЛАНАЖАК

Эрон деганда дарров эски тамойилларга юз тутган, янги замон цивилизациясини тан олмайдиган, БМТ қарорларига унчалик рўйхушлик билдирмайдиган, бошқарув тартиботи шарнатга қурилган бир мамлакат кўз олдимизда гавдаланади. Тўғрисини айтганда, бизданги бу таассуротларни ғарб матбуоти шакллантирган. Етмиш йилдан знёдроқ вақт орасида бирор бир халқ билан бевосита муносабатга киришиш ҳуқуқимиз бўлмагани боис дунёда кечаётган воқеаларни ҳам ўзгалар кўзи билан кўриш ва шунга қараб хулоса чиқаришга кўникиб қолган эдик. Қизил империячилар ўзбеклар ва форсларнинг асрлар оша шаклланиб келган узвий ҳаётини бирваракайига тубдан издан чиқарди. Икки халқ турмуши бир-биридан хийла йироқлашиб кетди. Ёнгинамиздаги Эрон биз учун олис ва афсонавий бир мамлакат тусини олди.

Аслини олганда, Эрон халқларининг (асосий қисмини форслар, озарбайжонлар, курдлар ташкил этади) турмуш тарзини ғаройиб десак, янглишамиз. Чунки бу қавмларнинг ҳаёти кўп жиҳатлари билан ўзимизникига ўхшашдир. Бир тафовут шуки, улар ўз тарихларидан, аждодлари анъанасидан биз каби кескин ажралиб қолмаганлар. Фирдавсий, Саъдий, Ҳайём, Шерозий каби улуғ донишмандларнинг ҳикматлари улар тарбиясига қанчалик таъсир кўрсатса, бизнинг тарбиямизга ҳам шунчалик таъсир кўрсатади. Халқларимиз ўтмиши эт билан тирноқдек чамбарчас боғлиқки, биридан иккинчисини айри ҳолда мукаммал ўрганиш мушкил. Эронзаминнинг нене валломат зотлари Туронзаминга келиб умргузаронлик қилганлар, Қадим Туркистоннинг нозиктаъб инсонлари Машҳаду Табризда, Шерозу Исфаҳонда бўлиб, юксак илмий салоҳиятлари билан шуҳрат топганлар, илму ирфон жабҳасида дунё аҳамиятига молик кашфиётлар яратганлар. Аждодларимиз бир-бирига устозлик қилганлар. Қувончу ғамларини баҳам кўриб яшаганлар, вақти келганда ташқи ёвга қарши ёнма-ён туриб курашганлар. Тужжорлар, жаҳонгашта аждодларимиз чегара не эканлигини билишмаган. Улар ўз мамлакатларидаги янгиликлар, ўзгаришлардан бир-бирларини бохабар этиб турганлар. Хуллас, ўзбеклар ва форсларнинг тарихан узун дўстлигию хешлиги, халқ турмуши ва маданиятидаги уйқашликлар хусусида узоқ гапириш мумкин. Эндиги мақсад кўҳна алоқаларни тиклашдан иборат. Шу боис ўз сўзимизда андак расмийроқ маълумотларга суянамиз.

Не десак-да, эллик бир миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Эрон Осиё қитъасидаги ўзига хос йирик давлат. Давлат тизими, бошқаруви ҳам айрича: ҳокимият мустақил қонун чиқарувчи, ижроия ва суд идораларидан иборат. Улар ўз фаолиятларини Олий Раҳбар оятуллоҳ Саййид Али Хомейний кузатувида олиб боради. Шу айричалигини баъзи Ғарб мамлакатлари унчалик хуш кўрмайди: ислом фундаментализми айнан шу ерда урчийди, деб хавфсирайди.

Президент Рафсонжонийнинг таклифига биноан Президентимиз Ислом Каримовнинг ўтган йилнинг ноябрида Эронга қилган расмий ташрифи муҳим аҳамиятга эга бўлди. Сафар давомида Ўзбекистон ва Эрон муносабатларида янги босқич очиб берувчи муҳим ҳужжатлар — Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Жумҳурияти ўртасида давлатлараро муносабатлар тўғрисида Баённома, Марказий Банклараро ҳамда савдо-сотиқ ҳамкорлиги, ҳаво қатнови тўғрисида битимлар, иқтисод, саноат ва илм-техника соҳаларида, транспорт воситасида юк ташиш бўйича, почта, телеграф, телефон алоқалари ўрнатиш бўйича ўзаро келишув меморандумлари имзоланди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг келажакдаги имкониятларини назарда тутган ҳолда, икки давлат гуллаб-яшнаши, уларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини кучайтиришда мавжуд имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш зарурлигини таъкидладилар. Афғонистон ва Тожикистонда юз бераётган биродаркушлик тезроқ барҳам топишидан манфаатдор эканликларини изҳор этдилар. Ҳар икки мамлакат ўз чегаралари яқинидаги қонли тўқнашувлар ўзаро алоқаларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини эътироф этдилар.

Ўзбекистон учун Эрон қулай савдо бозоридир. Тўқ мовий ферузасию, тўқ қизил ёқути, ранго-ранг гиламлари билан жаҳонга машҳур Эрон хорижга нефть, табиий газ, турли минераллар, кўн, металл рудалари, қуруқ мевалар, пахта, газлама, пойабзал экспорт қилади, четдан эса гўшт, ёғ, қанд-шакар, минерал ўғитлар, саноат хом ашёлари, нақлиёт воситалари ва ҳар хил асбоб-ускуналар сотиб олади. Биргина озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш учун йилига 2 миллиард АҚШ доллари сарфлайди. Демакки, бизнинг Эрон билан олди-сотди қилишимизга имкониятлар етарли. Биргина ўтган тўқиз ой мобайнидаги мол айирбошлов миқдори 185,1 минг долларни ташкил этгани бунинг яққол исботидир. Кўрсаткичларни янада яхшилашда ҳар икки давлатнинг имкониятлари ҳам талай.

Чунки улар ҳам биз каби ҳунармандчилик билан шуғулланади. Миллий даромаднинг салмоқли қисмини қишлоқ хўжалигидан олади. Кўпроқ буғдой, арпа, шоли экишади, каноп, тамаки етиштиради. Боғдорчилик, полизчилик, узумчилик, дурустгина ривожланган. Форс кўрфази соҳилида беадад хурмозорлари мавжуд. Ўзбек деҳқонлари сингари эронликлар ҳам суғорма ва лалми ерларда деҳқончилик қилишади. Мамлакатда сўнгги йилларда нефтни қайта ишлайдиган заводлар, кимёвий рўзғорбоп ашёлар чиқарадиган корхоналар, металлургия комбинатлари қуришга катта эътибор берилмоқда. Автомобилсозлик ва техника буюмлари ишлаб чиқариш суръати ошиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришнинг айнан шу соҳаларига жиддий диққат қилинаётганини назарда тутсак, ўзаро тажриба алмашиш, мутахассислар айирбошлашни ҳам тезроқ йўлга қўйиш тақозо этилади. Бунинг устига биз Ўзбекистон юкларини учинчи мамлакатларга жўнатишда Эрон портларидан фойдаланишни ҳам кўзда тутаётирмиз. Айни чоғда нуфузли делегациялар ҳукуматлараро тузилган битимларни жадал рўёбга чиқариш, ривожлантириш бўйича керакли ишларни олиб бормоқдалар.

Далилларга мурожаат этайлик. Шу йил май ойида савдо вазири жаноб А. Ваҳҳожи бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрган чоғда Ўзбекистонда Эрон банкларининг бўлинмаларини, савдо уйларини очиш, қўшма корхоналар барпо этиш, шунингдек ҳаво транспорти, кадрлар тайёрлаш ва турли кўргазмалар ўтказиш борасида фикр алмашилди. Эронликлар Ўзбекистонда ўзларининг қайси маҳсулотлари ўтишини ўрганиш мақсадида август ойида Тошкентда савдо-саноат кўргазмасини ҳам ташкил этдилар. Айтиш жоизки, кўргазмага қўйилган аксар моллар анчагина харидоргир ва сифатли экан.

Сентябрь ойида «Мустазафон» жамғармасининг раиси жаноб Муҳсин Рафиқ Дўст бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга қилган ташрифи ҳам ғоят амалий ва ишчан вазиятда ўтди. Делегация раиси Тошкентга Эронда ишлаб чиқариладиган моллар билан (эркин муомаладаги валютага, ҳам рублга) савдо қиладиган, Теҳронда ҳам худди шундай Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш учун савдо уйи ва дўконлар тармоғини очиш таклифини киритди. Таклиф «Ўзбексавдо» уюшмаси раҳбарияти томонидан мамнуният билан қабул қилинди. Айни вақтда ана шу савдо марказларини ташкил этишга қизғин киришилган.

Нуфузли «Мустазафон» жамғармаси «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасига қарашли бир қатор фабрика ва корхоналарнинг асбоб-ускуналарини янгилашда кўмаклашишга тайёрлигини билдирди. Шунинг баробарида Хатирчи туманида пахтани қайта ишлаб тайёр маҳсулот чиқарадиган корхона, Учқўрғондаги фабрика негизида тўқимачилик буюмлари ишлаб чиқарадиган корхона қуришга жазм этдилар. Айни вақтда Ўзбекистондан асбест ва пралантамид харид этишга катта қизиқиш билдирдилар.

Эрон ҳукумати Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқага киришишдан манфаатдор экан, бунинг учун авваламбор темир йўл ва автомобиль йўллари қурилишига жиддийроқ эътибор беришига тўғри келади. Тежен—Серахс—Машҳад йўналишидаги темир йўл, Тошкент—Ашгабат—Қизил Атрек — Сари—Теҳрон — Табриз — Истанбул ва бошқа йўналишлардаги автомобиль йўллари қурилиши қанчалик тезроқ ишга тушса, Марказий Осиё давлатлари ва Эрон учун шунчалик кўп фойдалидир. Ҳозирги пайтда ҳар иккала мамлакат пойтахтлари ўртасида бевосита ҳаво қатновини йўлга қўйиш учун ҳам қизғин тайёргарлик бормоқда.

Кўриниб турибдики, иқтисодий алоқаларимиз кўлами кенг, истиқболи ҳам катта. Аммо маданий-маърифий алоқаларимиз бугунги талаб даражасида эмас. Давлатлараро муносабатлар тўғрисидаги Баённомада томонлар ҳар иккала давлат қонунлари асосида маданий алоқаларга, адабиёт ва санъат соҳаларидаги ҳамкорликка, ижодий, илмий гуруҳлар алмашинишга, маданият ва кино ҳафталикларини ўтказишга, ҳар хил кўргазмалар ташкил этишга, радио ва телевидение, оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ҳамкорликка, тарихий обидаларни сақлаш ва таъмир қилишга, талабалар ва ўқитувчилар билан алмашишга, туризмни ривожлантиришга, бир-бирларининг тил ва адабиётларини ўрганишга ва маданий марказлар очилишига рағбат билдирган, илм-техника за маориф соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, илмий тадқиқот муассасаларининг муштарак фаолиятларини қўллаб-қувватлашга келишган эдилар. Бу жиҳатдан юртимизда қатор ишлар амалга оширилди: бир неча йилдан буён Ўзбекистон радиосида форс тилида эшиттиришлар тайёрланмоқда, Тошкент Давлат университетида форс тили бўлими фаолият кўрсатмоқда, Самарқандда Эрон маданият маркази ишлаб турибди, қатор форс адибларининг асарлари ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари таржима этилиб, ўзбек ўқувчиларига таништирилмоқда.

Яқинда Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Ҳошимий Рафсанжонийнинг юртимизга ташриф буюриши кутилмоқда. Умид қиламизки, бу ташриф Ўзбекистон—Эрон муносабатлари тарихида янги саҳифа очади ва ўзаро алоқаларимизнинг ҳар жиҳатдан жонланишида янги фаслни бошлаб беради.

Асқар ҲАИДАРОВ.

• *Ниқобни очганда...*

ҚУРЪОННИ СОТГАН ОДАМ

ТОЖИК МУХОЛИФАТИ ЕТАКЧИЛАРИ ОРАСИДАГИ ЭНГ ЁВУЗ ШАХСЛАРДАН БИРИ—ҲОЖИ АКБАР ТЎРАЖОНЗОДАДИР

Унинг ҳужжат бўйича исми шарифи қуйидагича: Акбар Тўраевич Қаҳҳоров. 1954 йилда Оржоникидзеобод туманининг Туркобод қишлоғида иккинчи авлод эшон оиласида туғилган. Миллати — тожик. Биринчи авлод эшон — бобоси бу рутбани олдин ўзи қўлида чўпон бўлиб ишлаган эшондан олган. Ҳожи Акбарнинг отаси республикадаги энг бой одамларнинг бири эди. У ҳокимият билан тотувликда яшаган. 1983 йилда ҳажга борган. Ўша пайтда бу жуда қийин, ҳар икки-уч йилда республикадан биттагина одам ҳажга бора олар эди. У бу ишни осонлик билан ҳал қилди. Ўғли Акбарни Бухородаги мадрасага ўқишга жойлаштирди. Акбар таҳсилни кейин Тошкентдаги Ислом маъҳадида давом эттирди. У аслида ўқишни ҳам қотириб қўйгани йўқ. Кўрганларнинг айтишича, унинг пули кўп бўлган. Пули кўплигини яширмаган ҳам. Бу пулларга у «майда харажат»лардан ташқари, олдин мадраса, кейин маъҳад ўқитувчи ва раҳбарларига баҳона топиб қиммат-баҳо совғалар қилган. Шу туфайли мадрасада ҳам, маъҳадда ҳам ўқишдан кўра айшини суриб юриш ҳуқуқига эга бўлган.

Барча ўқув юртлари қатори диний ўқув юртлари талабалари ҳам пахта теримига чиқарди. Шундай пайтларда олдин Бухорога, кейин Тошкентга Туркобод қишлоғидан Қаҳҳоровлар оиласининг муридлари келиб, эркатой Акбар ўрнига пахта теришарди. Бухорода ҳам, Тошкентда ҳам «бойвачча»нинг домлаларини зиёфат қилиш учун ойда икки марта қўй сўйиларди. Акбар қийналмаслиги, майшатдан маҳрум бўлмаслиги учун унга Тошкентда катта ҳовли сотиб олиб берилган, бу ерда у муридлари билан кайфу сафо сурар эди. Маъҳадни тугатганидан кейин А. Қаҳҳоров Иорданиянинг Уммон дорилфунунига ўқишга юборилади. Бу — ўша пайтда мингдан бир кишига насиб қиладиган инъом эди. Бу инъомга эга бўлиш учун ҳокимият билан қуюқ алоқада бўлиш ёки диний фаолиятда ҳокимиятга маъқул бўладиган катта ишлар қилиш лозим бўларди.

Иорданияда таҳсилни тугаттанидан кейин А. Қаҳҳоров бир-икки йил Тошкентдаги Ўрта Осиё мусулмонлари диний бошқармасининг халқаро алоқалар бўлимида референт бўлиб ишлайди. 1988 йилда ўттиз тўрт яшар Акбар Қаҳҳоров кутилмаганда Тожикистон мусулмонлари қозиси этиб тайинланади. Унинг бу «ўсиш»ида тинимсиз равишда қимматбаҳо совғалар олиб турган москвалик ҳомийларнинг ҳам хизмати бор эди, албатта. Сергайрат, уддабурон, эпчил Акбар Қаҳҳоров шароитни ўрганиб олади-да, қайноқ фаолиятини бошлаб юборади. Акбарнинг омади бор экан, у ҳокимиятга келган пайтида Горбачёвона қайта қуриш туфайли динга ҳам муносабат ўзгарган эди. Ҳар қадамда мачит қуриш одат тусига кирди. Ҳар бир маҳалла ҳашаматлироқ мачит қуриш бўйича ўзаро мусобақа ўйнашга тушди. Ислом қонунларини ўргатувчи расмий ва норасмий мактаблар кўпайди. Диний адабиёт оммавий тиражларда нашр этила бошланди. Юзлаб одам ҳаж қилиш имкониятига эга бўлди. Буларнинг ҳаммаси давлат сиёсати туфайли амалга ошаётган эди, албатта. Аммо қози уялмай-нетмай, бу ишларнинг барчасини ўзим амалга оширяпман, деб жар солди. Қайта қуриш даврида яширин иш олиб борган, айримлари давлатга қарши ва бошқа жиноятлари туфайли жиноий жавобгарликка тортилган Ислом ақидапарастларининг етакчилари қозининг обрўэътибори ошиб бораётганини ҳасад билан кузатар эдилар. Уларнинг фикрича, дин туфайли азият чекмаган, олдинги коммунистик раҳбариятнинг эркатойи бўлган қози Тўражонзода қайта қуришдан кейин ҳам уларни орқада қолдириб кетган эди. Мулла Абдулло (Абдулло Саидов) ва Ҳимматзода сингари арбоблар ҳам ундан анча орқада қолиб кетган эдилар. Мулло Абдулло қозини очиқдан-очиқ фитначиликда айблаб, у республика мусулмонларининг раҳнамоси бўлишга нолойиқ, чунки «фақат бойлигини кўпайтиришни ўйлайди, уни дин манфаатлари эмас, ўзининг шахсий, дунёвий манфаатлари кўпроқ қизиқтиради», дер эди. Бу гапларда катта ҳақиқат бор эди, албатта. Чунки қози уялмай-нетмай, яратганнинг ҳаҳридан қўрқмай, Саудия Арабистони мусулмонлари ҳадя қилган Қуръони Карим китобларини соттириб юборади-да, тушган пулни ҳамёнига уради.

Ҳимматзода бошлиқ Ислом уйғониш партияси майдонга чиққанидан кейин қози ўзининг республикадаги диндорлар устидан мутлақ ҳокимлигига хавф пайдо бўлганини сезди. Шунинг учун ҳам бу мутлақ ҳокимликни сақлаб қолиш мақсадида партиянинг таъсирини камайтириш учун кураш бошлаб юборди. У, Ислом партиялар тузилишини тақозо қилмайди, партиялар тузилиши Қуръонга хилоф, деб очиқдан-очиқ баёнотлар берди, партиянинг рўйхатдан ўтказилишига қарши курашди. Аммо, кейинчалик, республика раҳбариятининг Ислом уйғониш партияси фаолиятига қарши самарали кураша олмагани, халқ орасида партиянинг нуфузи тобора ошиб бораётганини кўриб, кескин тарзда феълини ўзгартирди: барчани ҳайрон қолдириб, Ислом уйғониш партияси билан ҳамкорлик қила бошлади. Ислом ақидапарастлари ўзини изчил эмасликда айбламасликларидан учун у Ислом уйғониш партияси билан дастлабки муносабати Компартия Марказий Комитети ва республика раҳбарларини чалғитиш мақсадида тутилган йўл эди, деган чўпчакни ўйлаб чиқарди. Аслида эса, қози бутун онгли ҳаёти давомида ашаддий ақидапараст эканлигини айтиб кўксига урар ва қасам ичар эди.

Мулло Абдулло билан Ҳимматзоданинг қозига, мулойим қилиб айтганда, сиёсий покизалик ва виждон тозалиги борасида қўйган айбларида жон бор эди. Қозиликнинг яккаю ягона ҳокими сифатида у ҳеч ким ва ҳеч нарса билан ҳисоблашмас, билган ишини қилар эди. Унинг қозиликда ўтказган дастлабки «ислоҳот»и шундан иборат бўлдики, атрофига қариндош-уруғларини йиғди. Қозиликдаги барча вазифаларни акаси, амакиси, тоғаси, қайноғаси, куёви (синглисининг эри)... ва бошқа яқинлари эгаллади. Вазифа тақсимлашда у битта мезон — ходимларнинг ўзига сўзсиз садоқатидан келиб чиқар эди. Бу орада унинг ҳаммаслаклари доираси ҳам шаклланди. Ҳаммаслаклар худди танлаб олингандек, асосан, савдо ходимларидан — майда ходимчалар эмас, йирик бўрилардан, албатта —омбор, дўкон мудирлари, директорлар ва ҳоказолардан иборат эди. Қози билими, тажрибаси, ишлаш қобилиятидан қатъи назар, ўзига ёқмаган одамларнинг баҳридан ўтиб юбораверарди.

Қуръон қоидаларига зид равишда у биринчилардан бўлиб мусулмонларни ҳақиқий мусулмон ва кофирга ажратиш шиорини ўртага ташлади. Кейинчалик эса ўзининг қарашларини маъқуллама-ган ва икки юзламачлигини фош қилган мусулмонларга жаноза ўқитмасликдек шаккокликка ҳам борди. Муллалар сафидаги муҳолифлари ва айрим диндорлар мана шундай «кофир»лик унвонига «сазовор» бўлган, ҳар қандай мусулмон бундай тавқи лаънатга дучор бўлиши ҳеч гап эмас эди. Қози бундай шаккокларча ҳукм чиқараётгани учун оллоҳ ўзини ҳам жазолаши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмасди.

1988 йилда Кўлоб шаҳрида бўлиб ўтган диндорлар ўртасидаги қирғин-баротнинг ташкилотчиларидан бири ҳам мана шу қози эди. Тўражонзода республика мусулмонларининг раҳнамоси сифатида ақидапарастлар билан собиқадам мусулмонларни яраштириш, улар ўртасида бир-бирига ҳурмат уйғотиш ўрнига ҳар хил йўллар билан уларни бир-бирига гижгижлар эди. «Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга солодур» — бу мақолни қозининг асосий шиори десак хато бўлмайди.

Тўражонзода Отахон Латифий ва Мақсуд Икромов сингари «демократ»лар билан алоҳида муносабат ўрнатди. Латифий унга эски, бу дунёнинг казо-казоларини биладиган тажрибали журналист сифатида керак эди. Шунинг учун ҳам қози Латифийдан сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида фойдаланарди. Икромов билан эса йирик молиявий ва ўй савдоси билан боғлиқ найрангбозликларни амалга ошириш мумкин эди. Бу иккала «дўст», собиқ партия ходимлари кейинчалик ўз бошлиқларининг ашаддий ғоявий душманига айланиб, ислом ақидапарастларига малайлик қилишлари ҳам ажабланарли ҳол эмас.

Тепаликдан юмалаган кишининг ўзини тўхтатиб олиши қийин. Қози ҳам шу тариқа тубанликка юмалаб кетаверди. У манманларча ва виждони қийналмасдан иш тутиб, қозиликда ҳаммаслаклари билан штаб ташкил этди. Бу штабда жангарилар йиғилар, уларга қурол тарқатилар, қийноқлар, сўроқлар ўтказилар эди. Оллоҳ уйида қон ҳиди анқий бошлади. Ифлос, соч-соқоли ўсган, ниқобли ҳарбий кийим кийган, қўлида автомат тутган кимсалар тўлиб кетди. Спиртли ичимликлар, қорадори пайдо бўлди. Ҳар хил жанжаллар чиқа бошлади, Фақат Оллоҳ номи зикр этилиши лозим бўлган муқаддас даргоҳда сўкинишлар эшитила бошлади. Буларнинг барчасини кўриб турган қозилик ходимлари, жумладан қозининг қариндошлари ҳам ғазабга келган, аммо ҳеч ким бу ғазабини ошкора ифода қила олмас эди. Жума намозига келган намозхонлар бу ердаги «томоша»ни кўриб, намоз ўқиш учун бошқа мачитларга кета бошлади. Мусулмон оламидаги биронта мачит — Оллоҳ билан мулоқот, тавбабўйлаб сочилиб кетишган. Таҳликалардан қутилган ва «йўл азоби»дан кейин ҳордиқ олиб бўлган Тўражонзода, эса, Ўрта осиёлик бошқа муҳожирлар орасида ўз халқи ва республикаси устидан мағзава ағдариб юрибди. Барчани «жиҳод»га чорламоқда. Аммо муҳожирларнинг кўпчилигига унинг кимлиги аён бўлиб қолган. Улар қозининг юзига тик қараб, унинг ўн минглаб одам ҳалокати айбдорларидан бири эканини айтмоқдалар, мусулмон юртдошларининг қонини тўккани учун Худо олдида жавоб беришдан қўрқиш-қўрқмаслигини сўрамоқдалар. Тўражонзоданинг тожиклар бир-бирини ўлдираверсин, «беш миллион тожикдан бир миллиони қолса бўлди—бошқариш осон бўлади», деганини ҳамма эшитган, ахир. Қуръонда инсон ҳаёти, шариат қонунлари ва покиза ниятлар улуғланишини билган қози учун инсон ҳаёти бир пул бўлиб қолган. Ислом — аслида тинчлик дегани. Исломга хизмат қиладиган ҳар қандай киши инсонлар ўртасида тинчлик, инсонпарварлик, дўстлик ва иззат-ҳурмат уруғларини сочиши лозим. Тўражонзода эса буларнинг бутунлай аксини қиляпти.

Тўражонзода ҳали ҳам қасос олиш ва ўзининг айби билан не жафоларни бошидан кечирган Тожикистонга оқ отда кириб келиш орзуси билан яшайди. Бу ерда «ишлагани»да унинг вазифаси шиорлар ташлаш ва бузғунчиликларга даъват қилишдан иборат эди. У бу ишни яхши уддалаган ҳам эди. Ҳозир эса, мухолифат кучлари етакчиларининг бири сифатида халқаро фаолиятини кенгайтириб юборган. Бўзчининг мокисидек гоҳо Покистонда, гоҳо Эронда, гоҳо Афғонистонда пайдо бўлиб қолади. Кейин Саудия Арабистонига келиб, «покланади». Қаерга бормасин, ёлланган каллакесарлар ва чет эллик йўл-йўриқ ўргатувчиларга ҳақ тўлаш учун доллар, замонавий қурол-яроғ ва бошқа нарсалар тиланади. Бу ишларни у Тожикистон Республикасининг ҳозирги қонуний ҳукуматини ағдариш ва яна ватандошларини қириш ниятида қиляпти. Ўзи эса Саудия Арабистонида қўриқчилар ўртасида мазза қилиб яшаш тарафдори. Тўғри-да, бу ерда боши узра ўқлар чийилламайди, офтоб куйдирмайди, ертўла битлари таламайди, яқинлари, қариндош-уруғлари соғсаломатми, устлари бут, қоринлари тўқми, деган ташвишли саволлар уни қийнамайди. Аммо, ҳеч ким тақдиридан қочиб қутулолмайди. Тўражонзода Оллоҳ номи билан қилган қонли гуноҳларни Оллоҳнинг ўзи кўриб турибди. У ҳар бир бандасини қилмишига яраша жазолайди.

«Бизнес и Политика» ҳафталигининг 1993 йил, 38-сонидан олинди.

ҳиндистон ҳаётидан

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАРКИБИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

● Гренада социалистлар раҳбари А. Папандреу тузган янги ҳукумат таркиби эълон қилинди.

К. Папульяс мамлакатнинг ташқи ишлар вазири, Г. Арсенис миллий мудофаа вазири этиб тайинланди.

ЖАНГАРИЛАР ҚУРОЛ ИЙҒМОҚДА

● Жанубий Африка Республикасидаги ўнг жангарилар фуқаролар урушига тайёргарлик кўриб, қурол, ўқ-дори ва доридармон йиғмоқда. Иоханнесбургдаги «Стар» рўзномаси «обрўли манбаларга» таяниб шу ҳақда хабар қилди.

Газетанинг маълум қилишича, Трансвааль вилоятининг шимолидаги Оватерберге тоғларида ҳатто ичимлик суви ва ёқилғи заҳиралари жамланмоқда. Жангарилар асосий ўринларни Африка Миллий Конгресси вакиллари эгаллаши аён бўлган тузилажак ноирқий ҳукуматни тан олишни истамай, партизан урушини бошлашга уринянти.

АҚШ ЗОБИТЛАР ТАЙЁРЛАШДА ҚЎМАКЛАШАДИ

● Будапештда Венгрия мудофаа вазири Л. Фор АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари штаби бошлиғи генерал М. Макпик билан учрашди.

Мамлакат Мудофаа вазирлигининг хабар қилишича, учрашувда Венгрия зобитларининг АҚШда таҳсил олиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

СПИД ҚУРБОНЛАРИ

● Ўтган йили Мексикада Спид касаллиги оқибатида 405 бола нобуд бўлди.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида эса болалар орасида бу касалликка чалинган 400 нафар бемор рўйхатга олинди. РАТА—ТАСС мухбирининг Мексикадан хабар қилишича Спид касаллиги гўдакларнинг деярли ярмига она қорнида ривожланаётган даврдаёқ юққан.

ОКТЯБРЬ ВОҚЕАЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҚИДИРИЛМОҚДА

● КИШИНЁВ. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, Гагаузия ва Днестрбўйи ҳукуматлари яқинда Москвада бўлиб ўтган октябрь воқеаларининг фаол иштирокчилари Виктор Алксис ва Илья Константиновни яшириб турилгани ҳақида тарқатилган хабарни рад этди.

Кишинёвдаги БАСА—ПРЕСС агентлигининг таъкидлашича, уларнинг ҳар иккиси Молдова жанубидаги Комрат шаҳрида яшириниб юришибди.

КУН ТАРТИБИДА ЯНА КУРИЛ

● ТОКИО. «Япония билан Россия Федерациясининг икки томонлама муносабатлари ривожланиши ва бу давлатлар халқларининг ўзаро яқинлашуви асосидагина Курил ороллари билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топиши мумкин».

Японияга расмий сафар якунида Токиода бўлиб ўтган матбуот конференциясида Россия Президенти Борис Ельцин шундай деди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҳиндистон ҳаётидан

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ЯПОНИЯ БОШ ВАЗИРИ РОССИЯГА КЕЛАДИ

● Япония Бош вазири Морихиро Хосокава Россия Президенти Борис Ельциннинг Россияга расмий сафар қилиши ҳақидаги таклифини қабул қилди.

Сафарнинг муддати ва ташкилий масалалар дипломатия йўли билан аниқлаб олинади, деб хабар беради РАТА—ТАСС мухбири.

ДОРОТИ СТРОУПНИНГ ЯНГИ АСАРИ

● Америка ёзувчиси Доротн Строуп иккинчи жаҳон уруши даврда асир олинган япон ҳарбийлари ҳақида асар ёзмоқчи.

У собиқ СССР ҳудудидаги япон асирлари тутқунликда сақланган қамоқхоналарни бориб кўрди. Лагерларда бўлган одамлар билан суҳбатлашди, уларнинг хотираларини тинглади.

Япония мавзуси ёзувчининг бутун ижодида асосий ўрин эгаллайди. У 1946 йилда ёзган биринчи романини Хиросимага ташланган атом бомбаси даҳшатларига бағишланган эди. Янги асар тез кунларда чоп этилади.

ХИТОЙ—ИСРОИЛ МУНОСАБАТЛАРИ

● Хитой ва Исроил 1992 йилнинг январь ойида дипломатия алоқалари ўрнатиб, ҳамкорлик муносабатлари тарихида янги саҳифа очган эди. Ўзаро дўстона муносабатларнинг барқарорлиги ҳар икки давлатнинг орзусидир. Бироқ кейинги вақтда Исроил Америкадан олаётган ҳарбий технологияларни Хитойга сотаётгани ҳақида миш-мишлар пайдо бўлди.

Исроил Бош вазири И. Рабин, бу миш-мишлар ҳеч қандай асосга эга эмас, у бўҳтондан иборат уйдирмадир, деди. Ғарбда пайдо бўлган хабарларда Исроилнинг Хитойга етказиб берган қурол-аслаҳалари бир неча миллиард долларни ташкил этиши таъкидланган. Ваҳоланки, ўтган йили Хитой билан мол айирбошлаш миқдори 60 миллион долларни ташкил этган холос, деди Бош вазир.

АВСТРИЯ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БАЁНОТИ

● Австрия ташқи ишлар вазири А. Мок журналистларга берган баёнотида ўз мамлакати Германия конституциявий суднинг Маастрихт шартномаси бўйича чиқарган қарорини қўллаб-қувватлашини, у 12 давлатни Европа иттифоқига бирлаштиришда катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Конституциявий суд қарори Австриянинг демократик принципларига мос тушади. У Европа иттифоқи сари қўйилган муваффақиятли қадамдир. 1995 йилнинг 1 январида Копенгагенда бўладиган сессия иттифоқ доирасидаги кўпгина муаммоларни ҳал этади, деди у.

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАРКИБИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

● Грецияда социалистлар раҳбари А. Папандреу тузган янги ҳукумат таркиби эълон қилинди.

К. Папульяс мамлакатнинг ташқи ишлар вазири, Г. Арсенис миллий мудофаа вазири этиб тайинланди.

ЖАНГАРИЛАР ҚУРОЛ ИЙҒМОҚДА

● Жанубий Африка Республикасидаги ўнг жангарилар фуқаролар урушига тайёргарлик кўриб, қурол, ўқ-дори ва доридармон йиғмоқда. Иоханнесбургдаги «Стар» рўзномаси «обрўли манбаларга» таяниб шу ҳақда хабар қилди.

Газетанинг маълум қилишича, Трансвааль вилоятининг шимолидаги Оватерберге тоғларида ҳатто ичимлик суви ва ёқилғи заҳиралари жамланмоқда. Жангарилар асосий ўринларни Африка Миллий Конгресси вакиллари эгаллаши аён бўлган тузилажак ноирқий ҳукуматни тан олишни истамай, партизан урушини бошлашга уринянти.

АҚШ ЗОБИТЛАР ТАЙЁРЛАШДА ҚЎМАКЛАШАДИ

● Будапештда Венгрия мудофаа вазири Л. Фор АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари штаби бошлиғи генерал М. Макпик билан учрашди.

Мамлакат Мудофаа вазирлигининг хабар қилишича, учрашувда Венгрия зобитларининг АҚШда таҳсил олиши билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

СПИД ҚУРБОНЛАРИ

● Ўтган йили Мексикада Спид касаллиги оқибатида 405 бола нобуд бўлди.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида эса болалар орасида бу касалликка чалинган 400 нафар бемор рўйхатга олинди. РАТА—ТАСС мухбирининг Мексикадан хабар қилишича Спид касаллиги гўдакларнинг деярли ярмига она қорнида ривожланаётган даврдаёқ юққан.

ОКТЯБРЬ ВОҚЕАЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ҚИДИРИЛМОҚДА

● КИШИНЁВ. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, Гагаузия ва Днестрбўйи ҳукуматлари яқинда Москвада бўлиб ўтган октябрь воқеаларининг фаол иштирокчилари Виктор Алксис ва Илья Константиновни яшириб турилгани ҳақида тарқатилган хабарни рад этди.

Кишинёвдаги БАСА—ПРЕСС агентлигининг таъкидлашича, уларнинг ҳар иккиси Молдова жанубидаги Комрат шаҳрида яшириниб юришибди.

КУН ТАРТИБИДА ЯНА КУРИЛ

● ТОКИО. «Япония билан Россия Федерациясининг икки томонлама муносабатлари ривожланиши ва бу давлатлар халқларининг ўзаро яқинлашуви асосидагина Курил ороллари билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топиши мумкин».

Японияга расмий сафар якунида Токиода бўлиб ўтган матбуот конференциясида Россия Президенти Борис Ельцин шундай деди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДИҚҚАТ! «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА...

Душанба, 18. X

● УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Болалар меҳмонхонаси».
18.45 «Чингиз Аҳмаров». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Най навоси». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Муҳамедов.
19.55 «Осойишталик ҳимоясида».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Театр оламида». Ғарб ва Шарқ театрлари фестивали олдидан.
21.40 «Булоқлар кўз очганда...». Хоразм вилоятидан кўрсатув.
22.20 «Тоғларнинг гули ўзгача». Телефильм.
22.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Нафосат оламида». Телефильм.
19.30 «Лаҳза». Хабарлар.
19.50 «Ассалому алайкум».
20.50 «Билиб қўйган яхши».
21.10 «Лаҳза». Хабарлар.
21.25 «Солдат қиссаси». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 18 октябрь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 15.00 дан, «Дубль IV» кўрсатувлари соат 16.30 дан бошлаб кўрсатилади.

● «ОРБИТА IV»

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20, 18.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Телемикст».
16.10 «Мусиқий башорат».
16.40 «Истеъдодлар ва мухлислар».
17.20 «Иқболи кулганда».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Музограф».
18.45 «Гол».
19.15 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.25 «Ҳафтанинг акс садоси».
19.55 «МХАТ мактаб-студияси: кеча, бугун, эртага».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Турмуш иккр-чиккрлари». Бадиий телесериал премьераси. 20-серия.
21.55 «Спорт уик-энди».
22.10 «Брейн-ринг».
23.00 «Серпантин».
24.00 Янгиликлар.

«Янги студия» таништиради:

00.40 «Монтаж».
01.40 «Қинғир-қийшиқ эфир».
01.55 «Бомонд».
02.15 «Видеоасс».
02.30 «ТВ-Х».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.30 Янгиликлар.
16.45 «Сотбис» Москвада.
17.00 «Қутқариш хизмати 911».

*

18.00—20.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Россиянинг телевизион театри. «Беҳаловат кун хроникаси».
20.50 Мультфильм.
21.00 Душанба куни детектив. «Лани страйк» таништиради: «Қочоқ» Бадиий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркумидан.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.35 «Ҳақиқат онлари».
23.30 «Таъқиқланган қўшиқлар. (А. Галич)». Ҳужжатли фильм.
24.00 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Дастлабки якка ҳокимиятчи ҳақида қисса».
00.45 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

Сешанба, 19. X

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 Тонгги концерт.
7.50 «Хом хаёл». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Қувноқ болалар».
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Ўғил бола гап». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Электромагнит тебранишлар. 2-кўрсатув.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг».
11.30 Ўқитувчи экрани. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанини ўрганишда педагогик программалардан фойдаланишнинг самараси.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Усмирлар учун. «Бурч».
18.35 «Фермер хўжаликларида».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Дунё воқеалари.
19.35 «Навоий гулшани».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.10 «Раққоса ҳиром этганда». Саодат Ҳайиталиева.
21.45 «Нофелет қаерда!». Бадиий фильм.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўпламн.
20.10 «Фаннинг ойдин йўллари...».
20.45 «Санъаткор В. Баграмов ҳузурида».

«ОМАД» таништиради

21.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Домисолька».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 Мовсар Минцаев куйлайди.
11.15 «Турмуш иккр-чиккрлари». Бадиий телесериал. 20-серия.
11.45 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Гол».

Кундузги киноэкспресс

12.50 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч серияли телевизион бадиий фильм. 11-серия.
14.00 «Бувамнинг буваси — Пушкин». Бадиий-публицистик фильм-монографиянинг премьераси (Санкт-Петербург).

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
15.40 «Конверсия ва бозор».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Иш».
16.25 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.50 «Каҳрабоча-93». Болалар ва ўсмирлар кўрсатувлари фестивали.
17.10 «Янги номлар».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Ўзимизникилар ва бегоналар». Яқин хориждаги мамлакатлар билан Беларусь Республикасининг муносабатлари ҳақида телеочерк.
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» каналн режиссёр Клод Шаброл фильмлари ретроспективасини таништиради: «Жонивор ўлақолсин». Бадиий фильм премьераси (Франция).
23.20 «Матбуот-экспресс».
23.35 «1993 йил қўшиқлари». Танаффус пайтида [24.00] — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Ҳақиқат онлари».

* * *

12.10 Хонаки экран. «Ғалати одамлар». Бадиий фильм.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 Кундузги сеанс. «Мактаб ёшидаги болалар учун ўйинлар». Бадиий фильм.
15.30 Мульти-пульти.
15.40 «Бола тилидан».
16.10 Кичкинтойлар учун янгиликлар.
16.25 «Рост». студияси. «Тонлабиринт».
16.55 Санкт-Петербург балети.
17.25 «Арабески». Бирлашган Араб Амирликларига саёҳат.

*

18.00—20.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.05 Мотопойга бўйича жаҳон чемпионати. АҚШ гран-при-си.
21.00 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 232-серия.
21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 «Казаклар даврасида». Халқаро ҳайрия телевизион тадбири.
23.40 «Трансросэфир».

Чоршанба, 20. X

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 «Озода, гўзал ўлкам». Концерт.
7.50 «Саккизоёқчалар». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 «Билиб қўйган яхши».
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Зиня, Зинуля». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника. Ҳужайранинг ўсиши ва бўлиниши.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.15 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Иқтисодий ислоҳот — давр талаби».
18.25 «Фан уфқлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Мерос». Ал Бухорий.
20.00 «Гуллар юртининг дурдоналари». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.
22.00 «Сиз кутган дақиқалар». Турғун Азизов.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Қувноқ жилолар».
20.00 «Спринт».
20.25 «Тошкент: шаҳар юмушлари».
21.25 «02» тўлқинида.
21.45 «Қизни топинглар». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Ҳакка».
9.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.30 «Савдо кўприги».
11.00 «Инсон ва қонун».
11.30 «Тингланг, томоша қилинг...».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч серияли телевизион бадиий фильм. 12-серия.
13.35 «Анна Фирлинг йўллари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
16.40 «Ов ҳақида ҳикоялар». Телефильм премьераси (Иркутск).
17.00 «Каҳрабоча-93».
17.20 «700 клуби».
17.50 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. «Ассалому алайкум, бу мен...».
18.50 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
19.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Франция).
20.00 «Кремль деворлари ортида». 2-кўрсатув.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Останкино» ҳимоячилари учун». Концерт-учрашув.
23.15 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. 1/8 финал. «Лех» (Познань, Польша) — «Спартак» (Москва, Россия). 2-тайм. Польшадан кўрсатилади. Танаффус пайтида [00.05] — Янгиликлар.
01.30 «МТУ».
02.30 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
02.45 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 Тонгги концерт.
9.15 Христианлар учун кўрсатув.
9.45 Мульти-пульти.
9.55 Е. Евтушенконинг ижодий кечаси.
10.55 «Маърифат мевалари».
11.40 «Ностальжи» —барча авлодларнинг мусиқаси.
12.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 232-серия.
13.00 «Параллеллар».
13.15 «Ҳали англанмаган коинот».
13.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.10 Кундузги сеанс. «Шафақ». Бадиий фильм.
15.35 Трансросэфир.
16.20 «Телегазета».
16.25 Кичкинтойлар учун янгиликлар.
16.40 «Рост» студияси. «Артзона».
17.10 Мульти-пульти.
17.30 «Рус ижозатномаси».

*

18.00—19.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 233-серия.
20.45 «60 минут». Си-Би-Эс ва Россия телевидениесининг кўрсатуви.
21.45 Криминал хабарлар экрани.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «7 клуб».
23.10 «Винил чангалзорлари».
00.10 Футбол. УЕФА кубоги. 1/16 финал. «Айнтрахт» — «Днепр». Германиядан кўрсатилади.

Пайшанба, 21. X

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 «Сўз сеҳридан яралган қадр». Уткир Сиддиқов.
7.50 «Қоплон учун ўй». Мультфильм.
8.00 «Қувноқ болалар».
8.20 «Ўзбекистон дея аталур». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида).
9.10 «Баҳосиз дарс». Бадиий фильм.
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Чирчиқ». 2-тайм. «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади.
17.45 «Тобол ўймакорлиги». Телефильм.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ислоҳот одимлари».
18.40 «Унутилган ўйинлар». Телефильм.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Тилга эътибор».
20.00 «Тошкентда куз». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Инсон ва қонун».
21.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбонов концерти.
22.30 «Кино. Кино. Кино».
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Болалар учун. «Табассум».
19.50 «Хива». Телефильм.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.15 «Тошкент оқшомлари».
21.30 «Пульс». Хабарлар.

«ОМАД» таништиради

21.45 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
10.10 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. 1/8 финал. «Лех» (Познань, Польша) — «Спартак» (Москва, Россия). 2-тайм. Польшадан кўрсатилади.
11.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 «Сарсонлик-саргардонликда». Ун уч серияли телевизион бадиий фильм. 13-серия.
13.35 «Анна Фирлинг йўллари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.50 Мультфильм.

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.40 «Ён дафтар».
16.45 «Тедди Ракспиннинг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
17.10 «Джэм».
17.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». Танаффус пайтида [18.00]— Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.50 «Россия хроникалари». Вологдада театр фестивали.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Мосфильм»нинг 70 йиллигига. «Кундузги юлдузлар». Бадиий фильм [1968 й.].
23.10 «Миниатюра».
23.25 «Кино талаб қилинади».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «Рок-Н-ролл ТВ».
01.25 «Экстро-НУЖ».
01.55 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 Тонгги концерт. «Оркестрнинг репетицияси».
9.15 «Кетдик».
9.25 Трансросэфир.
10.10 «Таъқиқланган қўшиқлар. (А. Галич)». Ҳужжатли фильм.
10.40 «К-2» таништиради. «Абзац».
11.35 «Шаҳарча». Дам олиш программаси.
12.00 Мульти-пульти.
12.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 233-серия.
13.00 «Мусиқа йириқ планда». «Қўҳна нуйлар» халқаро фестивали.
13.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.10 «Дунё аёллари». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси (АҚШ). 1-серия.
14.35 «Қутқариш хизмати 911».
15.30 «Телегазета».
15.45 «Орёл» ортида бутун Россия».
16.15 Кичкинтойлар учун янгиликлар.
16.30 «Рост» студияси. «Такой возраст». ёшлар тележурнали.
17.00 «Жаноблар-ўртоқлар».
17.15 «Кириш ҳовли томондан».

*

18.00—20.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 234-серия.
21.00 «Мусиқий имтиҳон».

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 «Осойишта уй».
00.25 Спорт кўрсатуви.
00.30 «М-трест».
00.45 Криминал хабарлар экрани.

Жума, 22. X

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 Лирик концерт.
7.50 «Инжиқ малика». Мультфильм.
8.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 «Қишлоқ стадионларида».
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 «Тоғдаги ғор сирлари». Бадиий фильм.
10.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Нуклеин кислоталари.
11.00 «Ёшлар фестивали». Қашқадарё вилоятидан кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Қўқонди Латиф ёдгорликлари». Телефильм.
18.20 «Эл дастурхонига».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Устоз ардоғидаги шогирд». Зайнаб Мирзатиллаева.
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Мустақиллик ва қонунчиликни ривожлантириш».
21.30 «Ҳотира». Миртемир.
22.20 «Холодильникда биров бор». Бадиий фильм.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 Мусиқий дақиқалар.
19.40 «Ўзбекистон спорти» (рус тилида).
20.10 «И. Жалилов куйлайди». Фильм-концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм. 1-серия.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.00 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 Мультфильм.
9.25 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Мио, болагинам Мио». Бадиий фильм.
11.20 «Джэм».
11.50 «Матбуот-экспресс».
12.00 Янгиликлар.
12.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

Театр шинавандалари, Сизлар учун!

13.10 «Совуқ куз». Телеспектакль.
14.00 «Татьяна Шмига. Автопортрет».

*

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бриджж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Мио, болагинам Мио». Бадиий фильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 «МДҲ: ҳусусийлаштириш муаммолари».
18.40 «Инсон ва қонун».
19.15 «Вагон-03».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
21.40 «Детективлар клуби»да. «Марлоу — ҳусусий изқувар». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
22.45 «Матбуот-экспресс».
22.55 «Сергей Рахманинов. Икки ҳаёт». Телефильм премьераси. 1-фильм («Экран»).
23.45 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.
24.00 Янгиликлар.

«ВИД» таништиради:

00.40 «Сиёсий бюро».
01.15 «Музобоз».
01.55 «Авто-шоу».
02.25 «Х» программаси.
02.50 «Хит-конвейер».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври.
9.00 «Параллеллар».
9.15 «Кетдик».
9.25 «Осойишта уй».
10.20 «Ҳайвонот оламида».
11.20 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 234-серия.
12.10 «Уз манзили».
12.40 «Мусиқий имтиҳон».
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.05 «Йўлинг ёруғ бўлсин». Ҳужжатли фильм премьераси.
14.35 «Трансросэфир».
15.20 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
16.05 Кичкинтойлар учун янгиликлар.
16.20 Жума кунлари Дисней. «Ринго, дарбадар ёнут». Бадиий фильм.
17.10 Ракурсда оилавий суврат.
17.25 «Телегазета».

*

18.00—19.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 «Эдуард Хиль. 35 йилдан сўнг».
20.50 «Киноафсоналар». Генри Фонда.
21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 Телеэкранда — премьера. «Гунох». Бадиий фильм.
23.50 «Трансросэфир».
00.20 «Кечки сапон».

Шанба, 23. X

● УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
7.30 «Яхши кайфият».
7.50 «Жонсарак». Мультфильм.
8.00 Дунё воқеалари.
8.10 Шифокор маслаҳати.
8.30 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Алифбо сабоқлари».
9.40 «Фарғона илҳомлари».
10.05 «Цирк. Цирк. Цирк».
10.50 Инглиз тили.
11.20 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
12.05 Самарқанд вилояти Оқдарё тумани «Тарона» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти.
12.35 Хитой тили.
13.05 «Тўрткўл жамоли».
13.40 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.
18.20 «Ғазалхон ёшлигим».
19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Ғойиб бўлди осмонда қушлар», «А+Б». Катталар учун мультфильмлар.
19.35 Мовлуда Асалхўжаева куйлайди.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Буюк мунажжимлар». Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан.
21.45 «Ғарб ва Шарқ театрлари фестивали». В. Шекспир. «Кориолан». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
00.05 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● УзТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахборотн (рус тилида).
19.20 «Балерина». «Ўзбектелефильм» премьераси.
19.55 Лирик концерт.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
21.00 «Олис юлдуз шуъласи». Бадиий фильм. 2-серия.

● «ОРБИТА IV»

6.45, 15.20, 21.20, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби.
6.50 Эрталабки гимнастика.
7.00 «Матбуот-экспресс».
7.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» таништиради.
9.30 Эфирда— Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. «Умид» видеоканали.
10.55 «Тиббиёт ҳамма учун».
11.25 «Сергий бутхонаси». Уч серияли ҳужжатли фильм премьераси 3-фильм.
12.25 «Ҳукумат кишилари».
12.40 «Илҳом манбалари».
13.10 Актёрлар ва тақдирлар. «Тинч оқар Дон». Бадиий фильм. 2-серия.
15.00 Янгиликлар.
15.25 «Мулкдор алифбоси».
15.35 «Пеппи— узун пайпоқ». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 6-серия.
16.05 «Пул ва сиёсат». Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида.
16.30 «Ультра-си».
17.10 «Қизил квадрат».
17.50 «Янгра, гармонь!».
18.30 «Ҳайвонот оламида».
19.15 «Оба-на».
19.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Стингрей». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 2-қисм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.55 Эълонлар.
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Дженнининг уруши». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
22.20 «Резонанс» студияси таништиради.
22.40 «Туғилган кунинг билан, Арбат!».
23.40 «Матбуот-экспресс».
24.00 Янгиликлар.
00.40 «50х50» телетомошаси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «730-формула».
8.55 «Сиз яратган боғ».
9.25 Мусиқий коллекция. Валерий Афанасьев чалади (фортепиано).
9.50 Мульти-пульти.
10.00 «Рост». студияси. «Якунлар», «Бизнинг «Аралаш».
10.30 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.

*

11.15—14.00 «ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

14.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
14.20 «Динозаврга айланмайлик».
14.35 «Изабель». Дам олиш викторинаси.
15.20 «Тилла шпора».
15.50 Мульти-пульти.
16.00 «Чегарасиз футбол».
16.55 XX аср кадрда ва кадр ортида.

*

18.00—19.55 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 «Уинстон Черчилль — чўққига йўл». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 4-серия.
20.55 «Мутлақо махфий».
21.50 Спорт кўрсатуви.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
22.30 Гранд-репортаж. «Тўплар сукут сақлаганда...».
23.00 «Ксюша ҳузурида».
23.30 «Маски-шоу».
24.00 «К-2» таништиради: «Америка юлдузлари».
00.30 Тунги сеанс. «Қулфбузар». Бадиий фильм.

Якшанба, 24. X

● УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Ўзбекистон» ахборотн.
8.30 Болалар учун. «Тонгги салом».
9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм [Ҳиндистон]. 37—38-серия.
10.30 Араб тили.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Гурунг».
11.50 Немис тили.
12.20 «Аҳвол қандай чемпион!».
12.40 «Фахрийлар — фахримиз». Улуғ Ватан уруши қаҳрамони Жўрақул Тўраев.
13.10 Форс тили.
13.40 «Келажакни кўзлаб». Тошкентда халқаро оилашунослар анжуманн ҳақида.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Билмасвой Қуёш шаҳрида», «Балиқ тилга кирди». Мультфильмлар.
18.25 Усмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 «Ойнаи жаҳонда».
19.45 «Ижод саҳифалари». Султон Акбарий.
20.30 «Ҳафтанома».
21.10 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти— тинчлик қўрғони».
22.10 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.
23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

«ОМАД» таништиради.

17.00 «Мультфейерверк».
17.40 «Омад» — курьер.
17.55 «Мусиқий йўлка».
18.10 «Ҳар соҳадан бир шингил».
18.20 «Саломат бўлинг!».
18.35 Болалар учун. «Совға».
18.55 «Юлдузлар жилоси».
19.20 «Даракчи».
19.30 Реклама.
19.35 «Видео — «Омад».
21.15 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
21.30 «Омад» — курьер.
21.40 «Мусиқий йўлка».
22.10 «Даракчи».
22.20 Реклама.
22.25 «Видео—«Омад».

● «ОРБИТА IV»

6.40, 15.15, 19.00, 22.45, 00.15— Кўрсатувлар тартиби.
6.45 Эрталабки гимнастика.
7.55 Янгиликлар.
8.30 «Авто-шоу».
9.00 «Марказ».
9.30 «Эрта саҳарлаб».
10.00 «Ҳамма уйдалигида».
10.30 «Спортлото».
10.45 «Тонг юлдузи».
11.35 «Полигон».
12.05 «Пм» белгиси билан».
12.50 «Марафон-15».
13.30 «Қадрдон тупроқ». Экологик кўрсатув.

«КТВ-I» ҳамда «Франс интернасиональ» каналн таништиради:

14.00 «Француз пазандалари сизга тавсия этадилар».
14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Мультфильм.
15.35 «Саёҳатчилар клуби».
16.25 «Ҳунарли хор бўлмайди».
16.30 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари». «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.05 «Марминскда променад».
20.05 «КВН-93». МДҲ ҳамда АҚШ командалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви.
21.55 Эълонлар.
22.00 Янгиликлар.
22.50 «Эндиликда». Диний кўрсатув.
24.00 Янгиликлар.
00.20 Шахмат бўйича жаҳон биринчилигида.

Тунги эрмаклар

00.35 «Теледартс» ўйини.
1.10 Телеэкранда биринчи марта. «Кўринмас душман». Бадиий фильм (АҚШ).

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 «Деразалар нақшиккор эди». Ҳужжатли фильм.
8.55 Хайрли тонг! «Чемпионлар учун нонушта».
9.25 «Калит» кўрсатуви. «Шоҳона мусобақа». 3-қисм.
9.55 Мульти-пульти.
10.15 «Здоровье».
10.45 «Рост» студияси. «Азамат йигитлар».
11.15 «Ати-бати...».
11.45 «Кузги марафон». Бадиий фильм.

13.15—15.20 «ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00—20.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИ

• *Табиат неъматлари*

ҲАМ ШИФО, ҲАМ ҒИЗО

Ширин-шарбат мевалар ичида кишиларга лаззат инъом этувчи ноклнинг шифобахш хосияти талайгина. Ноклар узоқ яшайди. Ёввойи ноклар 150—200 йил, экинлаштирилган ноклар 50—70 йил ўсиб, мева беради. Ер юзида ноклларнинг 60 та тури ўсади. Ноклларнинг энг кўпи Кавказда, Ўрта Осиёда, Молдовада учрайди.

Нокнинг арзигудек тарихи ҳам бор. Ноклларнинг келиб чиқиши, яъни қачон пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикр олимларнинг диққатини кўп вақтлардан буён жалб этиб келади. Болгариянинг «Фан ва техника» журнали «Бу мева қаердан келиб қолган?» деган саволини берган ва қуйидагича жавобни чоп этган: «Нок Грециядаги Кичик Осиё ва Арманистон орқали Эрондан келтирилган. Бу ердан кейин у Римда пайдо бўлган ва янги эра бошланишида Алпни кесиб ўтган. Ўрта Европада анча ноёб ҳисобланган».

Экинлаштирилган ноклар Кавказ, Ўрта Осиёдаги ёввойи ноклардан, уларни бир неча йиллар саралаб экиш натижасида келиб чиққан. Икки минг йил илгари экинлаштирилган. Давр ўтиши билан нокка бўлган талаб тобора орта борган. Шуниси қизиқки, дастлаб ҳатто заҳарли деб ҳисобланган нок энг лаззатли мевага айланган. XIX асрга келиб Францияда нокнинг 900 нави кашф этилади ва у французларнинг миллий мевасига айланди. Ўзбекистонда ноклларнинг 4 та экинлаштирилган ва 4 та ёввойи турлари ўсади. Нокнинг ёзги, кузги ва қишки навлари бор. Баъзи навлар узоқ сақланиши туфайли йил бўйи мевасини истеъмол қилиш мумкин.

Нок азалдан халқлар орасида бир талай касалликларни даволашда қўлланиб келинади. Шарқ табобатининг қуёши Абу Али ибн Сино нок билан беморларни даволагани маълум. Қуритилган нок жароҳатларни битиради. Меъдани (ошқозон)ни тозалайди, ташналикни кесади, сафрони тўхтатади. Нок қоқиси ич кетганига қарши, яъни ични қотиради, йўтал хуружини пасайтиришда ажойиб малҳам. Нок ширасида пешоб ҳайдовчи хосият бор. Нокнинг ширасида ва қайнатмаси фақатгина пешоб ҳайдамасдан, балки унинг йўлидаги тошларни нуратишда, шу билан бирга бактерияларга қарши таъсир кўрсатади. Хўш нега шундай экан? Чунки нок мевасининг кимёвий таркибида қанд 13 фоиз, олма кислотаси ва бошқа органик кислоталар, азотли моддалар, никотин 3,5 фоизгача ферментлар сақлайди. Шу билан бирга мевасининг таркибида ошловчи моддалар 20 фоиз, каротин, турли дармон-дорилар, фалий кислотаси, темир, кобалт, калий, марганецлар бор. Уруғ қоқиси кофе ичимлигини олишда ишлатилади. Унда 21 фоиз мой бўлади...

Олимлар нок барглари устида ҳам изланишлар олиб боришмоқда. Биринчи бўлиб ҳиндистонлик олимлар нокнинг ёш барглари таркибида фенол моддаси борлигини аниқлашга эришдилар. Газетхонларда нокни кўп истеъмол қилиш мумкинми, деган савол туғилиши табиий. Ҳамма нарсанинг меъёри бўлгани сингари унинг ҳам меъёри бор. Ибн Сино таъбири билан айтганда, нок мевасини кўп ейиш кулунжи (ичак деворларининг ялғиланиши, ичак оғриғи) касаллигини келтириб чиқариши ҳам мумкин. Шунинг учун нок егандан кейин асал сувини дориворлар билан ичиш керак.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.



Само бағрин қилганча чил-чил
Мағрур бургут қанотин ёзар.
Дарахтлардан топмагач, манзил,
Қуёш сари аста йўл солар.

СЎРАЙВЕРАМАН

(ПАРОДИЯЛАР)

Кўкда—Ойдан сўрайман,
Пастда—сойдан сўрайман.

Жонибек СУБҲОНнинг «Сўрайман» шеъридан

Ундан-бундан сўрайман,
Кундан-тундан сўрайман.
Тамакидан тутатиб,
Сўнг тутундан сўрайман.

Сўрайман итимдан ҳам,
Тутиб об битимдан ҳам.
Суягимга ёпишган
Чимчилаб этимдан ҳам.

Ишончим йўқ сўзимга,
Тикиламан кўзимга.
Кўрсам ҳам кўрмадим деб
Панд бераман ўзимга.

Одатимни қўймайман,
Сўраб-сўраб тўймайман.
Сўрама деганларни
Ёқтирмайман, суймайман.

Абдураззоқ ОБРЎЙ

ҲИРИНГ-ҲИРИНГ

Халқ йўлида шеър ёзиш
Оппа-осон иш экан.
Бошқаларнинг тургану
Битгани ташвиш экан,
Тиринг-тиринг.

Тўра СУЛАЙМОНнинг «Тиринг-тиринг» шеъридан.

Шоир ака бу йўлда
Сизга омад тилайман.
Халқ йўлини букун мен
Ўзингизга қўллайман.
Тиринг-тиринг.

Жуда яхши бўларди
Соғлиғу бойлик бўлса.
Ёмон бўлмас шоирга
Каттароқ ойлик бўлса —
Жиринг-жиринг.

Кўпайса гар ақчангиз,
Қўлдан олиб гўшт ейсиз.
Халқ йўлида бўш ёзманг,
Ака биздан мушт ейсиз,
Ҳиринг-ҳиринг.

ЕГАН ОҒИЗ

Бугун шодон ўлтирибмиз
тўйингизда,
Ҳавас қилиб қаддингизга,
бўйингизга.

Тўлан НИЗОМнинг «Марҳаматлик Ҳафиз Полвон» шеъридан

Тўй деса худди қушдек
учаман,
Тўғри бориб тўйхонани
қучаман.
Тугагунча ўша ёққа
кўчаман,
Эргашади бола-чақа, хотин
ҳам,
Эгарлаймиз қўшнимизнинг
отин ҳам.
Ноз-неъмат, дастурхонни
туш кўраман,
Наҳорги ошни жуда хуш
кўраман.
Уйғотмаса хотинга
ўшқираман,
Оқшом базмининг тўри
менки бўлар,
Ичимликнинг зўри менки
бўлар.
Унутмасин бу тўйни ҳеч
халойиқ,
Тўй эгаси мақтов, ҳурматга
лойиқ.
Сўз айтишни Тўландай хўп
чиройлик
Ҳар ким жойга қўялсин-а,
қўялсин,
Еган оғиз уялсин-а,
уялсин!..



Кактус ўсимлигининг гуллаши табиатда ноёб ҳодиса ҳисобланади. Ушбу суратдаги кактус ҳам ўн беш йилдан бери энди гуллади. Шуниси қизиқки, ўн беш йилда энди гуллабди-ю орадан саккиз соат ўтмай гули яна сўлий бошлади.

А. ЮСУФБОЕВ
олган сурат.

• *Ким қандай кийинади?*

МАМЛАКАТЛАР ВА ЎЛЧАМЛАР

Жаҳоннинг турли мамлакатларида кийим-кечаклар, пойабзаллар ўлчамлари тизими ҳам ҳар хил. Ҳатто уларни кўҳна қитъа — Оврўпа доирасида ягона бир тизимга келтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар натижа бергани йўқ. Шу боис қуйидаги ўлчамларнинг ўзимизда қабул қилинган ўлчамларга мувофиқ келиши жадвалини келтирамиз. Зеро, бу сизга хорижий кийим-кечак, пойабзал харид этаётганингизда ҳожатингизни чиқаради, деб ўйлаймиз.

ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР КОСТЮМЛАРИ

МДҲ	42	44	46	48	50	52	54/56
Оврўпо (Буюк Британиядан ташқари)	36	38	40	42	44	46	48
Буюк Британия	10	12	14	16	18	20	22
АҚШ	8	10	12	14	16	18	20
Япония, Хитой	S	S	M	M	M	L	L,XL

ЭРКАКЛАР ПОЙАБЗАЛИ

Оврўпа, МДҲ	39	40	41	42	43	44	45
Буюк Британия	5,5	6,5	7	8	8,5	9,5	10,5
АҚШ	6	7	7,5	8,5	9	10	11
Япония, Хитой	24,5	25	25,5	26	26,5	27	27,5

ХОТИН-ҚИЗЛАР ПОЙАБЗАЛИ

МДҲ, Оврўпо (Буюк Британиядан ташқари)	35,5	36	36,5	37	37,5	38	38,5	39
Буюк Британия	3	3,5	4	4,5	5	5,5	6	
АҚШ	4	4,5	5	5,5	6	6,5	7,5	

Жадвалдаги инглизча ҳарфлар:
S—кичик, M—ўртача, L—катта, XL—жуда катта деган маънони англатади.

ГУРУНГ

«БОЙ»ЛАР ҲАМ... ЙИҒЛАМАЙДИ

ҲАЖВИЯ

Зуҳуржон оилада ёлғиз ўғил бўлгани учунми ҳар ҳолда, егани олдида емагани ортида — эрка бўлиб ўсди. Бешинчи синфга ўтганда келажакда ким бўлишлигини раҳматли отасига ёрилди: «Колбаса заводига директор бўламан». Зайниддин ака ўғлининг мурғак, ўткинчи орзуини тушунса-да, лекин унинг кўнглини ўкситмади. Ў то 11-синфни битиргунча «Директор бўлиш учун ҳам ётиб олиб ўқиш керак», деган ўгитни беришдан чарчамади. Аммо бандачилик экан, колбасани жонидан яхши кўрадиган ўғлининг бундан кейинги орзуларига шерик бўла олмади.

Бўлғуси директор уч опасининг қистови, ҳашар-пашари билан ўрта маълумотли бўлиб олди. Энди директор қилиб чиқарадиган олий ўқув юртига ҳужжатларини топшириши керак эди. Эълонни кўрди-ю капалаги учиб кетди. Тест синовида асосий ўрин математика саволларига берилганди. Зуҳуржон эса мактабда шу фанни ўзлаштириш у ёқда турсин, ҳатто математика ўқитувчисига кўзи тушиши билан шайтонлаб қоларди. «Директорлик менга тўғри келмас экан,— ҳаёлидан ўтказди у, — яхшиси, бошни оғритмайдиган ёғлироқ ишни топиш керак».

Тоғасининг таниши — ошпазга шогирд тушди. Осон иш эмас экан. Кун чиқмасдан кун ботгунча ишлаш унинг феълига тўғри келмади. Ишда мудрайверганидан яхшиликча паттасини қўлига беришди. Амакиси аралашиб, кушхонага жойлаштирди. Уч ойгача қорамолларнинг думини ушлаб туришдан бошқа ишга ярамади. Катта поччасининг чиройли қош қоқиши билан озиқ-овқат омборига ишга кириб олди. Мудир бўлмаса ҳам ҳар ҳолда ёғлиқ жой-да, ишдан қайтишда қуруқ чиқмайди. Энг кўп ишлаган жойи ҳам шу ер бўлди. Уйланди. Икки фарзандга ота бўлди. Аммо, уйини иккинчи омборга айлантириб юборган экан — «ков-ков» бошланди. Бор бисотини сотиб, зўрга жон сақлаб қолди. Эсиз, у бой дўзах азобига ўхшатди-ю, дарров айниди. Ҳунармандчилик кўчасидан ўтмоқчи эди-ю, аммо «нерви» бардош беролмаслигини ўйлаб, бу ишга ҳам қўл силтади.

Атрофида текин маслаҳатгўйлар кўпайди. Ҳайвонот боғида ишлайдиган ўртанча поччасидан ақлли гап чиқиб қолди. Орага шиша аралашди. Хўроз бир қичқиргунча эзилиб ўтиришди. Эртасига кечқурун бош оғриғига юз граммни отиб олгандики... Лекин у дилига туккан ниятидан осонликча қайтмоқчи эмасди.

Бекорчи эмасми, ётгандаям, юргандаям янги-янги режаларни хомчўт қилганиқилган эди. Новвойлик қилмоқчи бўлди. Меҳнатини бўлишни шундай орзу қилгач хотини Саломатхонга ёрилди.

— Беш юзта жўжа олиб боқмоқчиман, ҳамма киримчиқимларни Нор поччам билан ҳисоблаб қўйдик. Ҳатто жўжа касалга чалинмаслиги учун унга икки марта укол қилишни, тухумга киргач уни кимга сотишни ҳам келишиб олдик.

— Нима?! — Саломатхоннинг тўғри чизиқли қошлари вергулга ўхшаб кетди. — Эсингиз жойидами бойвачча, товуқларга мен қарасаму тухумини сиз сотасизми? Гапингизни тузатиб олинг — ундан куя дорининг ҳиди келяпти...

Хуллас, шу куни улар ўртасида роса даҳанаки жанг бўлди. Охир-оқибатда тухум сотиш хотинига насиб этадиган бўлди. Бироқ... Зуҳуржон: «Жўжа боқиш тўғрисида орзу қилишнинг ўзи шунча машмашадан иборат бўлса, у ёғи нима бўларкин» дея бу режасидан ҳам муздек совуди. Омад унга доим бурнини қийшайтиравергани-дан кўнгли бузилди. Лекин йиғламади. Чунки ҳадемай «бой» бўлиб кетадиган эркак кишига кўз ёши қилиш уятда!

...Эртасига мева-сабзавот концернида ишлайдиган кичик поччаси унга иш топиб келди: Колбаса заводида қоровуллик ўрни бўшабди.

Абдунаби МАННОПОВ.

• *Хотира*

«ПАХТАКОР»НИНГ «ҚИЛИЧ» ВА «ҚАЛҚОН»И

Владимир ФЁДОРОВ. У ҳар гал пахтакорчилар сафида майдонга тушар экан, стадионга йиғилган минглаб мухлислари Володяни олқишлашарди. «Пахтакор»да «10» рақамли В. Фёдоров ўйнаяптими, демак, рақибнинг манман деган ҳимоячи-ю дарвозабони ўта ҳушёр бўлиши керак. Володя абжир, чаққон футболчи эди. У моҳир рақиб ҳимоячиларини алдаб ўтиб олға ҳаракат қилар экан, ишқибозлар қалби фахр ва ҳаяжонга тўларди. У чин маънода «Пахтакор»нинг «қиличи» эди.

1975—1976 йилларни яхши эслайсиз. Ўша вақтлар «Динамо» (Киев)нинг гуллабяшнаган даври эди. Команда Европа кубогини олган, Олег Блохин эса қитъанинг энг яхши футболчиси деб эътироф этилган эди. Буни қарангки, шундай кучли команда ҳам «Пахтакор»га «бўйин эгишга» мажбур бўлди. Киевда 1:0, Тошкентда 5:0 ҳисобида ҳамюртларимиз ютишган.

1976 йил Володя командадошлари Ан ва Хаджипанакис билан собиқ Иттифоқ ёшлар терма командаси сафида Европа биринчилигининг финал учрашувларида тўп сурди. Унинг ҳал қилувчи ўйинда чиройли тўп киритиб, қитъа чемпиони бўлганлигини футбол ишқибозлари яхши эслашса керак. Ана шу учрашувларда Фёдоров ўзининг мамлакатнинг энг кучли ҳужумчиларидан бири эканлигини яна бир бор кўрсатган эди. Шу ўринда бир воқеани эслаш жоиз. Ўша йили Монреалда бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларига Иттифоқ футбол терма командаси ҳам тайёргарлик кўраётган, жамоа қарийб таркиб топган эди. В. Фёдоровни эса Европа чемпионати ўйинларида кўрсатган маҳорати туфайли энг сўнггги бўлиб терма команда рўйхатига киритишди. У ишончни оқлади ва Олимпиададан бронза медали билан қайтди. Яна бир нарсани таъкидлаш лозим. В. Фёдоров СССР терма командасида ўйнаган биринчи лига вакилларидан яккаю ягона футболчи эди. Кейин ҳам тезкор, чапдаст Владимир ўзининг чиройли ўйинлари билан мухлисларни кўп бор шод этди, ажойиб голлари билан кўнгилларга завқ бағишлади. Унинг туғилиб ўсган юртига, командасига содиқлигини таъкидлаш керак. Довруқли «Динамо» (Киев), «Динамо» (Тбилиси), «Спартак»дан унга таклифлар бўлган. Владимир ҳаммасига рад жавобини берган. Агар у шу командалардан бирига ўтиб ўйнаганида жаҳон кезарди, унвон оларди, машинали бўларди. Лекин, у бундай қилмади. «Пахтакор»ига содиқ қолди. Унинг бу олийжаноблиги ҳозирги ёш футболчиларга ибрат бўлиши керак.

Олим АШИРОВ. Бу ном ҳам миллионлаб ўзбекистонлик футбол ишқибозларининг қалбидан чуқур жой олган. У «Пахтакор»нинг ҳимоячиси — «қалқони» эди. Аширов ҳимояда ўйнаётган кун дарбозабон ҳам хотиржам бўларди. Чунки у шериклари билан ҳимоя чизиғида аниқ ҳаракат қилиб, дарвозаси дахлсизлигини сақлаш учун бор куч ва маҳоратини ишга соларди. У ҳар қандай тажрибали ҳужумчини ҳам доғда қолдириб тўпни олиб қўяр ва жамоасини ҳужумга бошлар эди. Кези келганда айтиш керак, Аширов кучли зарбага эга эди. Шу боис, кўпинча жарима тўпларини тепар ва чиройли голлар урган. Бу истеъдодли футболчини ишқибозлар севарди. Мактаб ўқувчилари эса Олим Ашировдек футболчи бўлишни орзу қилишарди. Ҳақиқатан ҳам у ҳавас қилса арзийдиган ўғлон эди. Олим Ашировнинг ўзи ҳам кучли футболчиларни ҳурмат қилган.

Улар ҳақида яна кўп ёзиш, гапириш мумкин. Бироқ ўн тўрт йилдирки ана шу хотиралар бизга бироз таскин беради.

Равшан ШОДИЕВ.

ҚИЗИҚ ГАПЛАР

ҚИРҚ МИНГ ЕШЛИ ЁЗУВ

Хитой Халқ Республикасининг археологлари Хитойда иероглиф ёзувининг ёшини аниқладилар. Бу ёзувнинг ёши камида қирқ аср деб белгиланмоқда. Шань Кунь вилоятининг қадимий қўрғонида олиб борилган қазилма ишлари натижасида шундай хулосага келинмоқда. Луньшан маданияти даврида яшаган хитойларнинг қадим замонлардаги ота-боболари турмушида ишлатилган буюмлар орасида топилган сопол идишлар парчаларида ўн бир иероглиф равшан ўқилди.

ТЕМИР ОШҚОЗОН

Нигер марказий шифохонасининг жарроҳлари яқинда нажот излаб келган бир деҳқон беморнинг ошқозонини операция қилдилар. Мурожаат этган 20 ёшли Абду Ҳаманининг ошқозонидан бир килограммдан зиёд танга, мих, сим ва бошқа металл буюмлари чиқариб олинди. Бемор деҳқоннинг ўзи «бундай неъмат»ларни бирор марта ҳам тановул этмаганман» деб айтди. Унинг гапларига қараганда, «кимдир бу буюмларни уйқусида оғзига тиқиштириб қўйган эмиш».

«Бундай бўлиши мумкин эмас, гап темиртерсаклар Хамани ошқозонига қандай қилиб тушиб қолганлигида ҳам эмас», — дейди жарроҳлар раҳбари Людовик Фаландри. — «Нима учун бемор аллақачоноқ нариги дунёга, тангрининг ҳузурига рихлат этмаганлигини, биз билишни жуда ҳам истар эдик».

ГЎЗАЛЛИК МАЛИКАСИ ИЗЗА БЎЛДИ

Бу йил Францияда ўтказилган гўзаллик танловининг ғолиби «Малика»лик шоҳсупасидан тушириб юборилди. У омма олдига чиқиб, номуносиб қилиқлар қилди ва Канн кинофестивалининг суратчиларига пулсиз суратга тушишдан бош тортган эди.

ШИНГИЛ САТРЛАР

● **Келгуси ойда Парижнинг Лувр маскани бунёд бўлганига 200 йил тўлади. Шу муносабат билан кумушдан зарб этилган 100 франкли қимматида таваллуд тангаси зарб этилди.**

● **Британиянинг меросхўр шаҳзодаси Чарльз чангсўрғичнинг шовқинини мутлақо ёқтирмайди ва гиламларни қўлда супурги билан тозалашни талаб қилади.**

● **Англия қироличасининг отхонаси ҳазрати олияларига ҳар йили 7,5 миллион доллар сарф ҳаражат этилишини тақозо қилади.**

● **Нижегородсклик миллиардер Андрей Климентьев Норвегияга бориб ўзи учун 30 хонадан иборат шоҳона сарой сотиб олди.**

● **Инсоннинг бошида тахминан 125 минг дона соч бор. Одам умр бўйи давомида бошидан бир ярим миллион дона соч тўкилади ва яна ўсиб чиқади.**

● **Калифорнияда ажойиб тўй бўлиб ўтди. Куёв бола Гленн Вольф 85 ёшда, келин Линде Эллекс 53 ёшда. Бу келин-куёвлар шу кунга қадар 27 марта никоҳда бўлишган. Келин эса атиги 22 марта никоҳ узугини бармоғига тақтирган.**

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

● Самарқандни Искандар бино қилганми?

● Парфия (давлатчилигимиз тарихидан).

● Туҳмат балоси (фельетон).

● Есанг қиёқ, емасанг.. таёқми?

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ — 16. X. соат 14.00 да **«Шум бола»**. Соат 17.00 да **«Тақдир эшиги»**, 17. X. соат 17.00 да— **«Корнолан»**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚИЙ ТЕАТРИ — 16. X. соат 17.00 да **«Тўйлар мубарак»**.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 4-44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Самарқандда — 35-22-90;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда — 6-72-60;
Навоийда — 3-74-76; Термизда — 2-23-01;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Хажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—583. № 191. топширилди —22.00.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, С. СИРОЖИДДИНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.